Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 27 ИЮЛЬ, сешанба, № 54 (6.010). Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

1 — 3-саҳифалар:

Саодатга элтувчи санъат
Газета дилдаги гапларни ёзсин!

1 — 2-саҳифалар:

Ўзимиз етиштирган донинг нони тотли

4-саҳифа:

МЕНИНГ КАСБИМ — САРТАРОШ ЧЎЛДАГИ ОЛИШУВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 июл куни Япониянинг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коичиро Мацуурани қабул қилди. Коичиро Мацуура элчилик фаолияти билан бирга ЮНЕСКО доирасида жаҳон халқларининг тарихий, маданий, маънавий ва илмий меросини авайлаб-асраш ва ривожлантиришдек хайрли ишларда ҳам фаол иштирок этиб келади. Айни пайтда унинг номзоди ЮНЕСКО Бош директори лавозимига қўйилган.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Узбекистоннинг Япония билан турли соҳалардаги ўзаро алоқалари кўлами тобора кенгайиб бораётгани эътиборга молик эканини айтди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиб бораётганини Узбекистон юксак қадрлайди, деди, жумладан, Президентимиз.

Меҳмон қабул учун мамлакатимиз раҳбарига чин дилдан миннатдорлик изҳор этар экан, Япония билан Узбекистон ўртасида нафақат иқтисодий ва маданий, балки сиёсий соҳада ҳам ҳамкорлик алоқалари ривож топаётгани қувонарли ҳол эканини таъкидлади.

Коичиро Мацуура Узбекистон Республикаси Президентига Япония Бош вазири Кэйдзо Обутининг мактубини топширди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ривожи билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида

Иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш жараёнини тезлаштириш, вақтинча иқтисодий қийинчиликка дуч келган, бироқ молия-хўжалик фаолиятини соғломлаштириш учун ҳуқуқий имкониятга эга бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг янги таркиби тасдиқлансин.

2. Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита Узбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тизимидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига бўйсундирилсин.

3. Мол-мулкида давлат мулки улуши бўлган банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари ишининг энг узоқ муддати бир йил билан чегаралансин. Ушбу муддатни яна узоғи билан ярим йилга узайтириш корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарори билангина амалга оширилсин.

Тугатиш комиссияси банкрот корхонани тугатиш бўйича барча ишларни белгиланган муддатда ниҳоясига етказа олмаган тақдирда мулкнинг сотилмаган қисми корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қарори билан давлат мулкига ўтказилади ҳамда Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тасарруфига берилади, хўжалик судлари эса ҳукумат комиссияси қарори асосида тугатиш ишининг якунланган ҳақида ажрим чиқаради.

4. Ташқи бошқарувчилар ва ишончли шахсларга қарздор корхоналар ёки уларнинг мулкини сотишда кредиторлар йиғилиши /қўмитаси/ розилиги билан қуйидагиларга рухсат берилсин:

харидорга хизмат кўрсатадиган тижорат банки тегишли кафолатни тақдим қилган тақдирда корхона ёки мулкни бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш;

арзон-гаров ва тез ишлатиб бўлинадиган мулкни, шунингдек хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг қолган қисмини кимошди савдоси ўтказмасдан, олди-сотди шартномаси бўйича сотиш.

5. Узбекистон Республикаси хўжалик судлари ишончли шахслар ва банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари томонидан дебиторлик қарзини мажбурий тарзда ундириб олиш бўйича тақдим этилган материалларни давлат божи тўланмасдан туриб ҳам бу божни айбдор томондан кейинчалик ундириб олишнини белгилаган ҳолда кўриб чиқишни таъминласин.

6. «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Узбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ-1658-сон Фармонига қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

Фармоннинг 1-банди ҳамда иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2-банд қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган иқтисодий ночор корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини маълум муддатга тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиш, бу қарор кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки фармойиши билан тасдиқланиши шарт»;

3-банддаги «Узбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси» ҳамда 4-бандининг 2-хатбошисидаги «Узбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Узбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

6-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда берилсин:

«Тугатиш жараёнини амалга оширишда фаол иштирок этиш ва ишончли шахс сифатида қатнашиш, мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган ҳамда хўжалик судлари томонидан банкрот деб эътироф этилган қарздорлар бўйича тугатиш комиссияларини ташкил этиш»;

6-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

«Қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ органлари, иқтисодиёт ва статистика органларидан корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги ҳақидаги маълумотларни олиш»;

8-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда берилсин:

«Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита мансабдор шахслардан корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги материаллар тақдим қилинмагани ёки ўз вақтида тақдим қилинмагани учун ундириб олинадиган жарималар;

банкрот корхоналарни кимошди савдоси орқали давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, кредиторларнинг талаби қондирилган тақдирда мулкнинг баҳоланиш ва сотилиш қиймати ўртасидаги фарқдан тушган маблағларнинг бир қисми».

7. Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги корхоналар банкротлиги ва санацияси бўйича ҳукумат комиссияси, Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қумита ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига Узбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларини мазкур Фармон асосида ўзгартириш ва уларга қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритсин.

8. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг бажарилиши бўйича қарор қабул қилсин.

Узбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 23 июль.

Сешанбадан Жумагача

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● 23 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг хотин-қизлар орасидан илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга оид қисми бажарилиши муҳокама этилди.

● Дўрмон қароргоҳида Узбекистон ва Озарбайжон ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлиси бўлди. Унда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ шартномалар иҳроси қараб чиқилди.

● Қорақалпоғистон республикаси ғаллакорлари давлатга ғалла сотиш бўйича шартнома режасини бажардилар. Республика аҳли бу соҳада кейинги йилларда йўл қўйиб келинган қолоқлик доғини ювиб, тармоқни келгусида янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратдилар.

● Самарқанд, Навоий, Сирдарё вилоятларида Маънавият-маърифат республика кенгаши вилоятлар бўғинларини тузиш бўйича ташаббус гуруҳлари мажлислари бўлди. Мажлисларда республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Азамат Зиё, Президент девони Ахборот тарғибот-таҳлил гуруҳи раҳбари С. Ҳакимов сўзга чиқдилар.

● Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси Американинг «Мир корпорейшн» саёҳат фирмаси билан ҳамкорликда «Сиз Ўзбекистонни биласизми?» деган мавзуда танлов эълон қилди. Ушбу танлов Интернет тизими орқали кенг тарғиб қилиниб, америкаликларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

● Германияда ўтказилаётган каратэ мусобақаларида ўзбекистонлик спортчилар иккита олтин, иккита бронза медалини қўлга киритишди. Бу ўзбек спортининг халқаро нуфузи кундан-кун ортиб бораётганлигидан далолатдир.

ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИ САУДИЯ АРАБИСТОНИДА НАШР ЭТИЛДИ

Бугунги кунда она юртимиз Узбекистон ва унинг дунёда тутган ўрнига бўлган халқаро қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Мустамлака тузумидан халос бўлиб, тарихан қисқа вақт ичида халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда жиддий ютуқларга эришаётган мамлакатимизнинг ривожланиш йўли, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўпгина хорижий давлатлар, нуфузли халқаро илмий марказлар томонидан ҳар томонлама ўрганилмоқда.

Бизнинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлимиз, унинг асосий йўналишлари юртбошимизнинг сиёсий, иқтисодий, илмий асарларида теран ифодасини топган. Шунинг учун ҳам асарлар қатор чет эл мамлакатларида нашр этилиб, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар, иқтисодчилар, ишбилармонлар, олимлар ва минглаб оддий ўқувчиларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Ҳозирга қадар Президентимизнинг китоблари инглиз, француз, немис, араб, хитой, ҳинд, рус, корейс, япон, индонез, румин каби жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилиниб, кўпминг нусхаларда чоп этилди.

Куни кеча Ислом Каримовнинг яна бир китоби Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида араб тилида нашр қилинди. Китобнинг нашр этилишида Саудия Арабистони қироллигининг энг йирик тижорат ва саноат «Дар-ас-Салом груп» компаниясининг Президенти Аш-шайх Абдулла ибн Ҳасан-ал-аш-шайх ва халқаро сармоялар бўйича директори Шайх Муҳаммад Абдукарим С. Райҳоннинг хизмати каттадир. Саудия Арабистонининг энг йирик нашриётларидан бири — «Ал-Саравот» нашриёти томонидан чоп этилган бу китобдан давлатимиз раҳбарининг «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Узбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли йирик

фундаментал асарлари ҳамда «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб номланган суҳбати ўрин олган.

Китоб араб ўқувчиларига тақдим қилинар экан, унинг сўзбошисида жумладан шундай дейилади:

«Узбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг ҳозирги замон дунё тарихини ўрганиб, ўзига хос тажрибалар ортириш йўли билан кўпгина ютуқларга эришди. Буни мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотларида, унинг муваффақиятларга эришишига ёрдам берган ва кўпчиликни лол қолдирган жиддий қадамларида кўриш мумкин. Бу эса Узбекистон ташланган ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини, унга ўз халқи ва Ватанига содиқ инсонлар етакчилик қилаётганини исботлайди.

«Дар-ас-Салом груп» компанияси Тошкентдаги «Узбекистон» нашриёти билан ҳамкорликда ушбу китобни нашрга тайёрлади. Бу билан биз буюк келажак сари дадил қадам қўяётган Узбекистон давлатининг бинокори, Президент Ислом Каримов жаноби олийларининг тафаккур намуналарини араб ўқувчиларига тақдим этишга муяссар бўлдик.

Мазкур китобда собиқ шўролар тузумидан Узбекистонга мерос бўлиб қолган иқтисодиётнинг ночор аҳволи баён этилган ҳамда она юртининг гуллаб-яшнаши учун ўзини бағишлаган Президент Ислом Каримовнинг шу аҳволни бартараф этишга қаратилган лойиҳалари берилган.

Биз китоб мазмунини, ундаги ҳаққоний ва теран фикрларни батафсил шарҳламоқчи эмасмиз. Биз қадрдон ўзбек халқига, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли, ҳақиқий ва муносиб аъзоси бўлган ёш республикага унинг юқорида эслатиб ўтилган тараққиёт модели асосида баҳо бериш ва хулоса чиқаришни араб ўқувчиларига ҳавола этамиз.

Шу билан бирга биз араб инвесторларига бу китоб орқали ўзимиз ишонч ҳосил қилган фикрлар хулосасини тақдим этамиз ва нима сабабдан ўз сармояларимизни бу ёш республика иқтисодиётига қўйганимизни ҳам кўрсатиш ниятидамиз.

Ўйлаймизки, бошқалар ҳам шу фикрларни мулоҳаза қилиб, биз каби Узбекистон иқтисодиётига ҳеч қандай хавотир ва гумонларсиз ўз сармояларини йўналтирадилар.

Икки муқаддас давлат раҳбарлари — Саудия Арабистони қироли Фаҳд ибн Абдулазиз Сауд зоти олийлари — Худонинг ўзи уни асрасин — ва унинг қадрдони, Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларининг 1992 йил 11-13 апрелда бўлиб ўтган тарихий учрашувидан кейин ушбу сармоялар Саудия Арабистони ва Узбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга кенг истиқболлар очиб берди. Бизнинг қадамимиз Узбекистон ва қадрдон араб давлатлари ўртасидаги ишонч ва эҳтиром белгиси бўлиб қолади, деган умиддамиз».

Ислом Каримов китобининг Араб дунёсидаги энг нуфузли мамлакатлардан бирида нашр этилиши, шубҳасиз, давлатимизнинг халқаро майдонда, хусусан, Шарқ дунёсида ўзига муносиб ўрин ва мавқе эгаллаб бораётганининг яна бир далилидир.

(ЎзА).

ИСТИҚЛОЛ — БИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗДА

«ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ»

Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова билан ЎзА мухбири суҳбати

— Ўзбек қўшиқчилиги, эстрадаси саҳналарини ҳийла кенгайтирган, нафақат Узбекистонда, балки хорижда ҳам миллионлаб мухлислар меҳрини қозонган Юлдуз Усмонова ўтган йили кўпчилик кутмаган бир «юриш қилди» — Узбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясига аъзо бўлиб кирди. Буни қандай изоҳлайсиз? Умуман «фидойилик» деганда сиз нимани тушунасиз?

— Жавобни саволингизнинг охиридан бошласак. Киши фидойи деб аталиши учун уз ҳаётини хавф остига қўйиб, масалан, чўкаётган одамни қутқариб қолиши шарт эмас. Мен учун фидойилик, аввало, кишининг ўз бурчини ҳалол адо этиши демакдир. Халққа хизмат қилиш йўлида шахсий манфаатларингдан воз кечиш, қийинчиликларни енгиш демакдир. Чунки ҳозирги мураккаб даврда шунинг ўзи ҳам кишидан озмунча куч, сабр-тоқат, жасорат талаб қилмайди.

Деҳқон даласида, ишчи дастгоҳида, муаллим мактабида — барча ўз зиммасига олган бурчини, ҳалол бажарса, муаммоларимиз камроқ бўлади, яшашимиз осонлашади, фаровонлигимиз ортади. Бир гап бор: қандай меҳнат қилсанг, шундай яшайсан. Бошқача айтганда, қўл учида ишласанг, худойим ҳам ризқингни шунга яраша — қўл учида беради. Меҳнатнинг, ўтиш даврининг

(Давоми 3-бетда)

ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИ БОР

ЗАМОН — ИЗЛАНГАННИКИ

Муҳтарам Президентимизнинг Сурхондарё ва бизнинг вилоятимизга қилган сафарларидан кейин билдирган таклифлари, қўйилган масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси «Бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш ва такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу айни муддао бўлди. Тўғриси кейинги вақтда маҳаллий навларга эътибор бироз сусайганди. Мазкур қарор кейинги фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Кейинги вақтда Андижон вилояти республикамизнинг барча хўжаликларига Краснодарь ўлкасидан истиқболли, серҳосил навлар уруғларини олиб келиб, синовдан ўтказиб, етказиб бермоқда. Андижонлик ғаллакорлар бу борада катта тажриба тупладилар. Шу боис деярли барча вилоятларда ҳосилдорлик ошиб, галладан катта даромад олишга эришилмоқда.

Лекин охирги пайтда олиб келиб парвариш қилинаётган навлар айрим туманларнинг иқлимига тўғри келмаётганлиги маълум бўлди. Буни кўпчилик ғаллакорлар, олимлар йиғилишларда айтишяпти. Шу боис навлар турли касалликларга учраяпти. Яна баъзи туманларда барча майдонларга бир хил нав экиш ҳоллари аниқланди. Албатта, бу деҳқончилик агротехникасига тўғри келмайди. Натижада бундай хўжалик ва туманлардан мўлжалдаги ҳосилни олиб бўлмаяпти. Фикримнинг исботи учун бир мисол келтирмоқчиман.

Вилоятимиз туманларининг жойлашиши икки қисмга бўлинади. Биринчиси иссиқ, яъни бунга чўл туманлари киради. Иккинчи қисм ҳисобланган тоғли туманларга эса Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғни киритиш мумкин. Андижондан олиб келиб парвариш қилинаётган навлар кўпроқ тоғли туманларда юқори самара бермоқда. Боиси мазкур навлар салқин ҳаво, намгарчиликни яхши кўради. Шу боис улардан ушбу туманларнинг кўпгина хўжаликларида ҳосилдорлик 45-50 центнердан ошиб кетди. Ўларга Шаҳрисабз туманидаги Б. Фозилов номли, Ж. Элбоев номли, Навоий номли хўжаликларни, Китоб туманидаги М. Бобоев номли, Ш. Умаров номли, «Наврўз» хўжаликларини ва «Китоб» агрофирмасини мисол қилиб келтириш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

ШИМОЛ ШИДДАТИ

ИБРАТ

Йўлбошимиз Ислом Каримов ҳар бир инсон Ватан ва миллат манфаатлари йўлида, жаҳонга юз тутган Узбекистонимизнинг порлоқ ва буюк келажаги йўлида фидойи бўлиши кераклигини қайта-қайта уқтирадилар. Зеро, фидойилик инсонни доим эзгуликлар васлига етказади.

Шовот тумани меҳнаткашлари ҳам бозор иқтисоди шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда тўкинчиликни яратиш, қишлоқ инфра тизимини муайян мақсад йўлида тўла шакллантириш борасида тер тўкяптилар. Туманнинг жами ер майдони 24208 гектарни ташкил этади. Жорий йилда 11420 гектарга пахта, 5947 гектарда бошоқли дон экинлари, 2375 гектарда шоли ва бошқа экинлар етиштириляпти. Ҳар гектар ер ҳисобига 50-60 центнердан буғдой етиштирилди, 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш кўзда тутиляпти.

Маълумки, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси яқинда Хоразм вилоятини 2001 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу муҳим қарор ҳар бир хоразмликни белни маҳкам боғлаб, жонкуярлик қилишга, ташаббуслар кўрсатишга ундамоқда. Яна бир томони қарор меҳнаткашларнинг турмуш-тарзини янада яхшилаш, Хоразмни обод ва фаровон, саодатманд ўлкага айлантириш мақсадини кўзлайди.

Ишнинг кўзини билиш — тадбиркорликни талаб этади. Шу мақсаддан келиб чиқиб, туман деҳқонлари ернинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, тупроқни ернинг хамиртуруши бўлган гўнг билан тўйинтириш тадбирларини амалга ошираяптилар. Ер тўймаса, эл тўймас, дейди бободеҳқонлар. Туман ғаллакорлари бу йил

(Давоми 2-бетда)

«ХОҲИШ БЎЛСА ГАЗЕТА ЎҚИШГА ВАҚТ ТОПИЛАДИ»

ёки бир хўжалик ҳисобчиси Исломжон Мавлоновнинг мулоҳазалари

УЙҒУНЛИК

Туман ҳокимининг муовини Комилжон Тулабоевни излаб, Доли Сатторов номли жамоа хўжалигига бориб қолдим. Раҳбарлар то келгунча идорада, ҳисобот ходимлари билан «ағдан-бағдан» гурунглашиб ўтирдик. Гап орасида бош иқтисодчи Ғуломжон Содиқовдан «Қишлоқ ҳаёти»ни оласизларми, ўқиб турасизларми?» дея сўрадим.

— Олганда қандоқ, — деди Ғуломжон, — сўнгги пайтда ҳатто бу газетани орзиқиб кутадиган бўлиб қолдик. Ҳар бир сонида ўқийдиган, қизиқарли мақолалар чиқяпти. Янги-янги теша тегмаган мавзулар кутариляпти. «Қоч, мухбир келяпти» деган фельетонни кула-кула ўқидик. Аммо товламачиларни боплаб адабини берибсизлар-да! Яна «Рақобат» деган, бозорларимизни бутунлай ўзиники қилиб олган олибсотарлар ҳақидаги мақолалар, ҳавас қилиб юрганимиз саньаткорлар билан дилдан суҳбатлар...

— Ҳаммаси яхши-ю, энди айбга буюрмайсиз меҳмон, — бир-иккита таклифларимизни ҳам айтамиз-да, — дея орага от солди ўзини хўжалик ҳисобчиси Исломжон Мавлонов дея таништирган ўрта ёшлардаги, буғдойранг киши.

— Айни муддао-да, — мен, — бизга худди ана шу таклифингиз керак-да, биродар.

—Модомики, «Қишлоқ ҳаёти» Тошкентда чиқиб, бутун мамлакатга тарқайдиган

(Давоми 3-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

Истиқлол ва истиқбол

Шакл муҳимми, мазмун?

Инсоф унутилган жойда...

ҚУТЛУҒ МУҚАДДИМА

БУ КЕЛГУСИДАГИ ҒАЛАБАЛАРГА ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ

Мураккаб тупроқ-иқлим шароитларида буғдой етиштираётган Қорақалпоғистон деҳқонлари зафар маррасига етиб келдилар. Ватан хазинасига 48920 тонна дон армуғон қилинди, бу муҳим экин ҳосилини етиштиришга киришилганидан буён биринчи марта шартномавий режа бажарилди.

Эришилган муваффақият замирида пудратчилар, фермерлар, машина-трактор парклари заҳматкашлари, мутахассислар, барча буғиндаги раҳбарларнинг бетиним, фидокорона меҳнати ётибди. Айниқса, Оролбўйи учун мос келадиган нав экиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Элликқалъа туманидаги Ғани Одилов номидаги, Беруний туманидаги Ўрозбой Жуманиёзов номидаги, Амударё туманидаги «Зарбдор», Тўрткўл туманидаги «Ўзбекистон», Хўжайли туманидаги Ҳамза номидаги хўжаликлар ҳосилдорлик борасида намуна бўлдилар. Хирмон салмоғи бўйича Кўнғирот туманидаги «Кўкдарё», Тахтакўпир туманидаги «Тахтакупир», Нукус туманидаги «Шўртанбой», Қораўзак туманидаги «Маданият» хўжаликлари пешқадамлик қилишди.

Айни кунда қорақалпоғистонлик ғаллакорлар такрорий экинлар парвариши ҳамда келгуси ҳосилга пухта замин яратиш борасидаги ишларни қизитмоқдалар.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ФАРҒОНА ҲАМ МАРРАГА ЕТДИ

Мамлакатимиз истиқлолининг саккиз йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш, дон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган Фарғона вилояти ғаллакорлари ғалаба маррасига эришдилар. Улар мавсумда 92 минг гектар майдонда бошоқли дон экинларини парвариш қилиб, қарийб 246 минг гектар ер майдонидан ғалла етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан ўртача 27 центнердан ҳосил кўтарилди.

«Ғалла-99»

Ялпи хирмоннинг юксалишига Олтиариқ, Учқўприк, Қува, Данғара, Охунбобоев, Фарғона, Бувайда туманлари ғаллакорлари салмоқли улуш қўшдилар.

Вилоятда ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

ПАЙАРИҚНИНГ ПАРВОЗИ

ёки 15 центнердан 55 центнерлик кўрсаткичга қандай эришилди?

Дарҳақиқат, энди пайариқликларни мақтаса бўлади. Негаки, кейинги икки йилда туман аҳли ғаллачиликда ўзига хос мактаб яратди. Уруғчиликка эътибор кучайтирилганлиги, олимлар, раҳбарлар ҳамда деҳқонларнинг ўзаро ҳамкорлиги ўз самарасини берди. 1996—1997 йилларда сувли ерда атига 14 центнердан ҳосил олиб, қулоғигача қарзга ботган хўжаликлар ўтган 1998 йилда нафасни ростлаб олдилар. Зарар қопланди, фойда кўпайди.

Биргина ўтган йили пайариқлик ғаллакорлар 27 минг тонна ғалла етиштиришди. Ҳосилдорлик бир йил аввалгисига қараганда 2,5 баробар зиёда бўлди. Яъни, 42,5 центнерни ташкил қилди. Ғаллачиликдан 86,5 миллион сўм соф фойда олинди. 2,5 минг тонна сара дон деҳқонларга мукофот тарзида берилди. Бу йил эса режа ва мақсадлар ҳаммасидан юқори бўлди.

— «Улуғбек-600» навли буғдой бизнинг ер шароитимизга мос келди, — дейди туман ҳокими М. Шакаров биз билан суҳбатда. — 3,5 минг гектар ерга уруғлик ғалла экканмиз. Бу эса хўжаликлар иқтисодини яхшилашда муҳим омил бўлди.

Дарҳақиқат туман ғаллакорлари йил давомида баракали меҳнат қилдилар. Ҳосил шунга яраша бўлди. Тиниб-тинчимас инсон Саттор ака Абдуғаниев ихтиёридаги 5 гектар ғалла майдонидан 96,3 центнердан ҳосил кўтарилди. Пайариқдек мураккаб шароитли жойда бу чинакамига жасорат эди.

Хуллас, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида, айниқса, ғаллачиликда танқидга нишон бўлиб қолган Пайариқни энди ҳар қанча мақтаса оз. Негаки, пайариқликлар илғорлар сафига келиб қўшилдилар.

М. ЗИЁДИНОВ.

Ҳалол меҳнатнинг нони ширин. Бу калом айни паллада бутун республикамиз меҳнаткашларининг тилидан тушгани йўқ. Дарвоқе, ризқ-рўзимиз бўлган ғалла ҳосилдорлиги ҳам шунга яраша бўлди.

Сиз кўриб турган ушбу суратлар Нуробод тумани ғаллакорлари ҳаётидан олинган. Туман аҳли кечаю кундуз тинимсиз меҳнат қилганликлари боис улкан хирмон бунёд этилди.

«КЕЙС» ҚУДРАТИ, ИНСОН ШИЖОАТИ УЙҒУНЛАШСА

Замонлар ўзгарган сари сенинг яшаш тарзинг ҳам ўнгланиб, ўзгариб бораверар экан. Ахир ернинг тили бўлса айтсин, эҳ-е, бу она замин неча миллионлаб деҳқонларнинг меҳрини қозонмаган дейсиз. Аввал ёғоч, кейин оддий темир омоч ерга ишлов берди. Бўрунлари таноб-таноб майдонлардаги экинларни жўнгина ўроқ урган бўлса, мана энди, қудратли комбайнлар пайдо бўлди. Улар ҳам йилдан йилга тараққиётлашиб, ҳозирда энг кенжатой, аммо қудратда тенгсиз «Кейс»лар ғаллазорларга кириб боришди.

Ким нима деса десину, лекин мен бир неча йиллик тажрибали комбайнчи бу қадар сермаҳсул техникани кўрмаган эдим. Вилоятимизда бу йил 26 нафар «Кейс» комбайнчиси фаолият кўрсатиб, уларнинг ҳар бирлари 500-650 гектардаги ғаллани ўриб-йиғиб олишнинг уддасидан чиқишди. Бу айтишга осон, бироқ бу сўз замирида жуда катта оғир меҳнат ётибди. Бошқачароқ қилиб айтганда, ҳар бир комбайнчи кунига 70-80 тоннадан буғдойни йиғиштириб олди. Эслаш ножоиз бўлса-да, беихтиёр ёдингга келади. Ахир курганмиз, бир кун цепсиз, яна бир кун лентасиз бузилиб ётган комбайнларни ҳам. Бошдан кечирганмиз, меҳнатни қилиб қадр тополмай юрган кунларни...

Оллоҳга шукр, яқин йиллар ичида деҳқоннинг курагига офтоб тегиб қолди. Айниқса, шу йил қурдим ва англадим. Керагича ғамхўрликлар кўрсатишди. Баъзан туриб ўйланиб қоламан: хуш, бу нимани шарофати? Албатта юртимизнинг мустақил бўлганида. Яна жавоб топган бўламан ўзимга ўзим.

Вилоятимиз йиққан улкан буғдой хирмонида менинг ҳам қиссам борлигини эсласам қувончдан ёрилиб кетай дейман. Яна азиз, миришкор деҳқон дўстларимни бағримга босиб олгим келади. Ахир биринчи бўлиш, ўзи бўладими? Йўқ-ў-қ, ким нима десадесин-у, бу ғалабага ғаллакорнинг экинига қалб қўрини бағишлаши эвазига эришилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг улкан хирмонда азим Бухоро ерларининг дони борлигидан ҳам қувониб кетаман.

Яна бир гапнинг рости ва индолласини айтсам. Мана шу донни тез ва сифатли ўриб олиш кўпроқ комбайнчиларнинг маҳоратига ҳам боғлиқ дейман-да. Бухоролик комбайнчилар ҳақида гап кетса-ку, «Ўзкейссервис»нинг вилоятимиздаги филиалида ишловчи муҳандис-техник ходимларининг жонбозлигини ҳам алоҳида ҳурмат билан тилга олардим.

Йў-ў-қ, яна ким нима деса десин-у, «Кейс»лар қудрати, инсон шижоати билан уйғунлашса, мана шундай фарахбахш кунларни кураверар эканмиз-да.

Олим РАҲИМОВ,
«Кейс» комбайнчиси,
Қорақўл тумани.

... Бирон одам бекор турганини кўрмайсиз. Бири ғалла ўради, иккинчиси ташийди, бошқа одам эса ҳисоб-китоб билан банд. Шижоатларига тасанно, дейсиз.

Абдуғани акани йўл четида учратдик. Қўлида ручка, дафтарча, икки-уч киши билан комбайнларга ишора қилиб нималарнидир гаплашиб турарди. Уларга яқинлашдик.

— Ҳормангилар!

— Саломат бўлинг, — дея қўшқўллаб сўрашди Қ. Укубоев номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси Абдуғани ака Турсунқулов. — Жуда вақтида келдинглар. Бугун охирги гектарлар ўриляпти. Эртагача тугаллаш керак.

— Ўртача ҳосилдорлик неча центнердан тушяпти, — сўрайميз раисдан.

— Дастлабки ҳисоб-китоб бўйича 35-36 центнердан. Лекин бундан ортиқ олаётганлар ҳам кўп. Масалан, Ерлан Жўжиков бошлиқ оилавий пудратчилар 23 гектар ердан 116 тонна ҳосил олишди. Гектарга бўлганда соф ғалла 45 центнердан тушди.

Маълумотлар билан танишамиз. Пардабой Тойжонов, Шерқул Тойжонов етакчи жамоалар ҳам режадагидан зиёда дон топширишибди.

Умуман, бу йил Оқолтинда ғалла мўл бўлди.

ПЕШОНАМНИ ЯРҚИРАТГАН ЧЎЛ ШАМОЛИ

Хўжаликдаги мавжуд 29 та оилавий пудратчининг аксарияти шартномани ўринлатди. Чарчоқ чеҳраларида мамнунлик ифодаси кўринади.

Шу пайт дон ортиш учун яна бир уловли машина келиб тўхтади. Кабинадан юз-буйнидан терни артиб ўрта ёшлардаги ҳайдовчи тушди. Таништик. Гулистондаги 2535-автокорхона ҳайдовчиси Умрзоқ Бозорбоев экан.

— Ҳаракат зўр-ку, чарчамаяпсизларми?

— Чарчашга вақт йўқ, — кулди у. — Донни тез ташиб олайлик, деган ҳаракатдамиз.

— Кунига қанча дон ташияпсиз?

— 30-40 тоннадан кам бўлмаяпти. Машинанг тез-тез донга тўлаверса қизиқиб кетиб кеч бўлганини ҳам билмай қоласан.

Ғалла ҳосили ва сомони йиғиштириб олинган далалар пешма-пеш шудгорланяпти. Такрорий экин сифатида 30 гектар ерга макка, 30 гектарга тариқ, 20 гектарга мош, 20 гектарга пиёз, 10 гектарга полиз экинлари экилади. Шунингдек, иқтисодимиз таянчи ҳисобланган пахтачиликда ҳам бу йил ижобий ўзгаришлар эришишга астойдил интилиш бор. 860 гектардаги ғўза парвариши агротехника талаблари асосида олиб бориляпти. Бўлиқ кўчатлар яхши ишлов берилиб меъёрида озиқлантирилаётгандан далолат бериб турибди.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

ШИМОЛ ШИДДАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҳосилдорликни 50-60 центнерга етказиш учун барча имкониятларни ишга солдилар. Барча майдонлардаги ғалла нест-нобудсиз янчиб олинди.

Хўжаликнинг Раҳим Юсупов бошлиқ бригадаси деҳқонлари чигит экишни уч иш кунида тамомлаган эдилар. Сувга қондирилган майдонларда ғўза ниҳоллари баравж ўсмоқда. Механизатор Камол Юсупов ғўза қатор ораларини чўқур ва сифатли культивация қилиш билан бир вақтда озиқлантираяпти. Ражаббой Олломов, Наргиза Олломова сингари ширкатчилар экиндан меҳрни дариғ тутмаяптилар.

Президентимиз Хоразмга борганларида Шовот тумани ҳокими Бахтиёр Ражабовга қишлоқ хўжалигига саноатни олиб кириш, ҳосилдорликни ошириш омиллари, меҳнаткашларнинг фаровон турмуш кечиришларини таъминлаш тамойиллари ва туманнинг ёрқин истиқболлари хусусида йўл-йўриқлар кўрсатган эдилар.

Йўлбошчимизнинг пурҳикмат сўзларидан сўнг тумандаги барча хўжаликларда туб бурилиш бошланди. Иқтисодиёт тамойилларини раҳбарлардан тортиб оддий ишчигача теран англаб олиб, иш бошладилар. Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бош мақсадга айланди.

Умуман, бугун нафақат Шовотда, балки вилоятнинг исталган туманида бўлган киши барча жабҳада меҳнат-шижоат янгича бошланганлигини, ҳар бир юмушда истиқлол, эркинлик, мустақиллик нафаси уфуриб турганлигининг гувоҳи бўлади.

Раҳим ОТАХОНОВ.

АНЗУР ПИЁЗИНИНГ НАРХИ НЕЧА ПУЛ?

ёки доривор гиёҳлар етиштириш муаммолари хусусида

«Қизил китоб»га киритилиб, давлатимиз назоратига олинган анзур пиёзи, омон қора ва лолалар Сариосиё тоғларида ўсади. Сангардак тоғ ёнбағирларида, Тўпаланг дарёси бўйларида кўплаб бошқа шифобахш ўсимликларни кўриш мумкин.

Тиббиёт оламида алоҳида эъзозланадиган доривор гиёҳлардан, жумладан, арпабодиён ошқозон касалига, наъматак ва дугбўй жигар ва сариқ хасталикларига даво эканини билмайдиган одам бормикан? Бундай шифобахш ўсимликларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ошқозон-ичак касалига даво бўлган тирноқгули ёки қон босимини туширадиган дала чой ва кийик ўт ҳам шу ернинг бойлиги эканини ва ана шу доривор гиёҳларни сариосиёлик ўрмончилар алоҳида парвариш қилишаётганини кўпчилик билмайди. Бу мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин йўлга қўйилди.

Сариосиё туманидаги «Ҳисор» ихтисослашган ўрмон хўжалигида бундай доривор ўсимликлардан ҳар йили 24-25 тонна тайёрланади. Айтгандек, Сурхондарё вилоятида бу хўжалик ягона бўлса, мамлакатимиз бўйича шифобахш ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар сони саккизта экан.

Ана шу саккизтанинг бири бўлган ва республика давлат ўрмон қўмитасининг «Шифобахш» бирлашмаси тасарруфига кирган «Ҳисор» ихтисослашган ўрмон хўжалиги табиат яшил бойлигини муҳофаза қилиш билан бирга доривор чилик билан шуғулланади. 15 минг 90 гектар ери бор. Ана шунинг атиги 23 гектари суғориладиган ер ҳисобланади.

Хўжалик 1992 йили ташкил топган. Унинг жонкуяр раҳбари Ўроқ Мирзақулов тажрибали ўрмончи. У ўн саккиз ёшида ўрмончи бўлди. Оддий ишчидан раҳбарлик даражасига кўтарилди. Ўттиз тўққиз йилдирки, ўрмон ҳавосидан нафас олади. Аввал қишлоқ хўжалик техникумини, кейин қишлоқ хўжалик институтини тамомлаган Ўроқ Мирзақулов ҳақида фақат илиқ гап эшитиш мумкин.

Хўжаликнинг ўрмон билгичи бор, Машраб Мақсудов деган. Ҳар бир гиёҳнинг номини айтиб беради. Ўрмон жонкуярларидан Ҳолбой Шарипов, Ибодулло Бозоров ва бошқа ўрмончилар ҳам ўз ишининг фидойилари. Шундай инсонлар кўп бўлгани учун ҳам тоғ ёнбағирларида ўрмонлар кенгайиб боряпти.

Ўрмончиларнинг гапига қараганда, 100 минг атрофида қарағай ўстирилмоқда. Манзарали дарахтларнинг кўчатчилиги билан шуғулланилмоқда. 5 мингтадан чинор ва гул ниҳоллари тайёрланмоқда. 10 минг атрофида туя туппон кўчати етиштирилмоқда.

МАВЗУ

Муҳими, фақат шугина эмас. Асосий иши ва вазифаси, уларнинг шифобахш ўсимликларни кўчириб ўтказиш билан маданийлаштириш кўпайтириш ва доривор гиёҳларни аҳоли истеъмолига етказиб беришдир. Бу осон иш эмас. Осон эмаслиги шундаки, ҳар бир доривор гиёҳни, ҳамма ҳам билавермайди. Ёввойи ҳолда ўсадиган у ёки бу шифобахш ўсимликнинг шифобахшлиги аниқланганидан кейин уни жойидан кўчириб, алоҳида парвариш қилиш талаб этилади. Қизил китобга кирган анзур пиёзи, омон қора, лола ва бошқа ноёб шифобахш ўсимликлар, асосан уруғидан олиб экилиб кўкартирилади. Парвариши, айниқса, ўтоғи пиёз-сабзидан қийин. 23 гектарлик суғориладиган майдонда ана шу ўсимликлар парвариш қилинишини катта иш дейиш мумкин.

— Бизнинг хўжаликда, — дейди Ўроқ Мирзақулов, — йил-ўн икки ой иш қилинади, десам ишонаверинг. Масалан, кузда ҳосилни йиғиштириб олиш билан банд бўламиз. Қишда тайёргарлик ишларини бажарамиз. Баҳорда экиш-тикиш ишлари бўлса, ёзда парвариш ишларини бажарамиз. Атиги 70 кишигина ишлайди. 15 гектарда наъматагимиз бор. Қўритилган ҳолда ҳар йили 7-8 тонна атрофида наъматак сотамиз. Бошқа доривор гиёҳларни ҳам қуритилган ҳолда топширамиз. Шунинг учун ишларимизнинг ўзига яраша қийинчиликлари, ҳар бир мавсумни ўз ташвишлари бор.

Яқинда Денов шаҳридаги дорихоналардан бирига кириб қолдим. Кўзим бизда тайёрланадиган доривор-ларга бирига тушиб қолди. Нархи 100 сўм экан. Ажабландим. Боиси шундаки, уни биз 10 сўмдан ҳам беришимиз мумкин. Устига 10 сўм қўйиб сотганида ҳам 20 сўм бўлади. Уни олувчига оғир бўлмайди. Бундан ташқари, олувчи қупаяди. Ҳар уч томонга ҳам фойдали бўлади. Шуни айтсам, сотувчи каттам бўлади, дейди. Унинг каттасига учрашмоқчиман.

Бу ҳақда гапирсам, айтадиган гапларим кўп. Озмию кўпми, ечим кутадиган муаммоларимиз бор. Хоҳлаймизми-йўқми, дорихонадан ёзиб берилган дориларни қанчалик қиммат бўлишига қарамасдан сотиб оламиз. Бунга мажбурмиз. Пул кетса кетсин, жон кетмасин, дейميз. Тўғри. Лекин бир қулоч дориларни ёзиб берадиган айрим шифокорларимиз бор. Улар шифобахш табиий ўтлар, доривор гиёҳларнинг қайси касалликка фойдалигини ҳам биладилар, қолаверса, шуларнинг барчаси дорихоналаримизнинг кўпида сотувга қўйилганини кўрмаганми? Беморларга доривор гиёҳлар ичишини тавсия қилишса бўлмайдими? Шулар ҳам мени ажабланти-ради. Ўзини табибман деб табиатга қатта зарар етказаётган айрим кимсалар бор. Улар тоғларга чиқиб, доривор гиёҳларни йўқотмоқдалар. Масаланнинг шу томони ҳам одамни ўйлантирмоқда...

Дарҳақиқат, инсон саломатлиги учун фойдали бўлган доривор гиёҳларни ҳамма ҳам билавермайди. Бунинг устига шифобахш ўсимликларни истеъмол қилишга ҳам ҳамма қизиқмайди. Очиғини айтганда, уни тарғиб-ташвиқ қила олмаяпмиз. Чиройли идишларга расми солиниб, фойдали хусусиятлари ҳозирдаги қадоқланган чойларга ўхшатиб ёзиб қўйилса, пули қанчалик бўлишидан қатъий назар уни одамлар сотиб олардилар. Дориларни олаяпмиз-ку! Нимага зарари йўқ, аксинча, фойдали доривор ўсимликни олмас эканмиз.

Қолаверса, хўжалик ўз маҳсулотини ўзи сотиши керак. Фойдасини билади. Даромад ҳисобидан қадоқлаш техникасини сотиб олади. Сотишга маҳсулотни ўзи тайёрлайди. Яна унинг даромади ошади. Иши янада қуринади. Саноат асосида қадоқлашнинг нафи катта эканини бозор шароити, иқтисодиётимиз кўрсатиб турибди-ку!

Яна бир гап. Ушбу хўжалик фақат халқ саломатлиги йўлида фойдали иш қилмоқда. Асалнинг шифобахшлигини биламиз. У асалчиликни ҳам йўлга қўйди. 92 кути асаларилар парвариш қилиняпти. Асал олиняпти, сотилаяпти. Бундан ташқари, қўйчилик йўлга қўйилди. 200 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Ишлар жойида бўлгани учун ҳам ўрмончилар ойлик маошларини ўз вақтида оладилар, эзтироз йўқ. Интилиш бор ерда, изланиш, ташаббускорлик бўлади.

Хулоса шуки, «Ҳисор» доричиларининг фаолиятларидан кўпчилик ибрат олса, мамлакатимизнинг бепоён ҳудудларида маҳаллий доривор гиёҳлар етиштириш кўпайтирилса нур устига аъло нур бўлур эди.

Мутасадди ташкилотлар бунга эътибор берадилар, деб ўйлаймиз.

Маъмуржон БОТИРОВ.

ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИ БОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бошқа иссиқ туманларда эса ўзимизнинг маҳаллий навлар яхши ҳосил бериши яққол кўринаётир. Шу боисдан ҳам вилоят ҳокимлигининг тавсиясига биноан жорий йилдан бошлаб маҳаллий навларга эътиборни кучайтириш мўлжалланмоқда. «Сангзор-8», «Сангзор-4». «Улуғбек-600». «Интенсив» навлари ўтган йилларга қараганда кўпроқ майдонларга жойлаштирилди. Улар турли хил касалликларга, сувсизликка чидамлилиги, ҳосилининг тўкилиб кетмаслиги билан деҳқонларга маъқул келди. Шу билан бирга нав танлашда буғдойдан олинадиган ўннинг сифати, таъмига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур.

Жорий йилнинг бошида вилоятда қуздаги экиш мавсуми учун маҳаллий навлар ҳисобига 12 минг тонна уруғлик жамғариш режаластирилган эди. Президентимизнинг маҳаллий навларга бераётган эътиборини, Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорини ҳисобга олиб вилоят ҳокимлиги мазкур курсаткични 15 минг тоннага етказишга қарор қилди.

Ҳозир уруғлик жамғариш ишлари қизғин давом этмоқда. Энг сара, талабга жавоб берадиган буғдой уруғлик учун ажратиляпти. Бизнинг жамоамиз ҳам бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти. Тайёрланган уруғликнинг кўп қисми уюшмамизнинг омборларида сақланмоқда. Шу билан бирга бош корхонамизда жамоамиз аъзолари томонидан икки минг тонна сара буғдой уруғлик учун олиб қўйилди.

Вилоятимизда буғдой экиладиган лалми ерлар ҳам катта майдонларни ташкил қилади. Келгуси йил учун 92 минг гектар ерга уруғлик қадалади. Бунинг учун 11 минг тонна уруғлик зарур бўлади. Унинг ҳаммаси ўзимизда тайёрланади. Деҳқонларимиз ушбу майдонларга бир неча йиллардан бери маҳаллий навлар ҳисобланган «Сангзор-6», «Оқ буғдой», «Тезпишар-512», «Сурхон-5688», «Красний водопад-212»ни экиб келишяпти. Жорий йилда лалми майдонларга керак бўладиган барча уруғлик ўзимизда жамғарилади. Ҳозир унинг деярли кўп қисми тайёрлаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, янги навларни яратиш, ҳар туманнинг шароитига қараб нав танлаш бўйича туғри йўналиш олинди. Деҳқонлар ҳосилнинг 30 фоизи уруғликка боғлиқ деб бежиз айтишмаган. Шундай экан, ҳаммамиз ҳукуматимиз олдимизга қўйган муҳим вазифани бажаришга ўз ҳиссамизни қўшсак албатта кўзланган натижага эришиш мумкин. Ана шунда четга ғалла экспорт қилиш имконияти ҳам туғилади.

Ғаллакорларимиз ҳар йили ўз режаларини ортиғи билан бажариб, келаётганлиги боис биз олаётган даромад миқдори ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йили уюшмамиз корхоналари 319,5 минг тонна донни қабул қилиб олдилар. Бу шартномада кўзда тутилганидан 2487 тонна зиёдни ташкил қилди. Етиштирилган ғалла Қашқадарё ҳоҳолисини таъминлабгина қолмай, у бошқа вилоятларга ҳам жўнатилди. Айни пайтда уюшма корхоналари аҳолини 15 дан ортиқ маҳсулот билан узлуксиз таъминлаб келмоқда. Маҳсулот турига бир неча хилдаги нон ва нон маҳсулотлари, макарон, омухта ем, ёрмани киритиш мумкин.

Жамоамизда олинаётган даромад миқдори ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йили 346,5 миллион сўм соф фойда олинди. Уюшма таркибидаги 16 корхонанинг бирортаси ҳам зарар кўрмади. Уларнинг барчаси замонавий усулда, яъни ҳиссадорлик жамияти асосида иш юритмоқда. Барча корхоналар ўз акцияларини чиқарган. Ўтган йили учун ишчиларнинг ҳаммаси дивиденд олишди. Хуллас, ғаллакорлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб республикамиз дон мустақиллигини қўлга киритиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Ўйлайманки, бу борада амалга оширилаётган ишлар ўзининг самарасини бериши шубҳасиз.

Муродилла ИБОТОВ,
«Қашқадарё-донмаҳсулотлари» акционерлик уюшмаси раиси.

— Кўриб турганингиздек, бу йил бутун мамлакатимиз бўйлаб ғалла ҳосилдорлиги мўл бўлди. Демак, дастурхонларимиз тўкин-сочин, ҳаётимиз осуда, мустақиллигимиз барқарор бўлади, — дейди шаҳрихонлик комбайнчи Алишер Юсуфалиев.

Х. АРАББОЕВ олган сурат.

Улкан уммондаги олтин орол

ёки Ғаллаорол ғалласининг асл шуҳрати тикланмоқда

«Тома-тома кўл бўлур» деганлари рост. Зотан, эл лавҳида шундай ривоят ҳам борки, уни зикр этмоқ пайти келди:

«Бир бечора камбағалнинг уйида нон қолмабди. Болалари очликдан чирқиллаб унинг бағрини ўртай бошлашибди. Бироқ, начора, замон оғирроқ пайт экан. Биров бировга ёрдам этмоқлик залворли даврлар экан. Шу боис бу одамнинг қўни-қўшнилари еб турарга Хорун отлиг бойдан қарз сўрамоқликни маслаҳат қилишди.

У амал қилди. Хоруннинг уйига бориб дарвозадан кирдию, туриб қолди. Чунки шу пайтда Хорун уйининг томида буғдой совуриш билан овора эди. Ажабланарлиси, Хорун томдан ерга учиб тушган ҳар бир буғдой донаси учун эринмай пастга тушар ва урвоқдеккина буғдой донасини бир амаллаб топиб чиқиб хирмонга қўшарди.

Камбағал ҳайрон бўлди ва ўйлади:

— Йў-ўқ. Бундан бир нарса ундиришдан умид йўқ. Ахир бир дона дон учун томдан тушиб, жон қўйдириб заҳмат чекмоқдаки, бу яхшилик аломати эрмас. Аксинча, хасисликдур. Ахир бу катта хирмонда қурт-кумурсқаларнинг ҳам ҳаққи бор-ку!..

У шундай деб энди ортига қайтмоқни ихтиёр этиб турганда, Хорун айтди:

— Нега келдинг-у, яна нечун сассиз, садосиз ортингга қайтмоқликни ихтиёр қилдинг?

Камбағал одам кўнглидан кечган андишани ошкор этди. Шунда Хорун кулиб деди:

— Бул қилмишим хасисликдан даракмас. Аксинча меҳнатимнинг қимматини билмоқликдир.

У яна айтди:

— Мен қайдин биламан, балки бутун бошли хирмоннинг баракаси шу ерга учиб тушган бир дона буғдойдадир. Шул сабаб ҳар донани қиммат кўраман.

У шундай дея камбағал одамга пишиқчиликка етгулик буғдойни қарз бериб, хурсанд қилиб жўнатди».

Қиссадан ҳисса шуки, бугун мамлакатимиз деҳқонлари авжи ўрим-йиғим билан андармон бўлган кунлар ўтиб бормоқда. Юртимиз хирмони юксалгандан юксалди. Аммо ҳали ҳам далаларда иш қизғин. Дона донда барака борлигини дилдан ҳис қилган бободеҳқон ҳосилнинг урвоғини ҳам нест-нобуд қилмасдан йиғиб олишга ҳаракат қилмоқда.

Жумладан, Ғаллаорол туманидаги «Зарбулоқ» ширкат хўжалиги меҳнаткашлари ҳам мавжуд 2516 гектардаги буғдойзордан талайгина хирмон кўтардилар. Бунинг учун барча ғаллакорлар бир жону бир тан бўлиб хизмат қилдилар. Абдурахмон Холмуродов, Шербек Қаюмов, Мажид Шомуродов, Ҳаким Турақулов сингари комбайнчилар бир кунда 10—12 гектардаги ҳосилни йиғиштириб олишмоқда.

Деҳқонлар 2412 гектарлик лалмикор майдоннинг ҳар гектаридан 10,5 центнердан ортиқ ҳосил етиштиришди.

Айни пайтда ҳам хўжалик далаларида иш қизғин. Раҳбар санақул Лапасов таъбири билан айтганда:

— Бир томонда қудратли «Кейс»ларнинг овози, яна бир томонда, ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаётган ҳайдов тракторларининг овози тинмаяпти.

Бир сўз билан айтганда, «Зарбулоқ»ликлар режани тўлиқ бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Шу аснода Ғаллаорол ғалласининг асл шуҳрати тикланмоқда.

Икром БЎРИБОЙ.
Саййид ОЛИМ.

ИРОДА

ёки ҳар қандай шароитда мўл ҳосил олиш мумкин

Қумқўрғоннинг таёқ қадаса дарахт бўлиб кўкариб кетадиган ери, ёқимли об-ҳавоси, сархил мевалари-ю, турли туман ноз-неъматлари, тилими тилни қирқ ёрадиган қовунлари, сурув-сурув қўй-қўзилари, пилласи-ю, тилласи, энг муҳими, меҳнаткаш ва саховатли одамлари бор. Бу йил биз 20 минг тоннадан кўпроқ дон, 30 минг тоннадан зиёд пахта тайёрлашни мақсад қилганмиз. Ғаллани ўриб олдик. Давлатга дон сотиш режасини бажардик. Ўримда бешта Кейс ҳамда қирқдан зиёд комбайнлар ишлаб турди. Талайгина бригадаларда ҳосилдорлик 50 центнердан ошди. «Беш Қаҳрамон», Сафар Бойматов номли хўжаликларда мавжуд майдоннинг ҳар гектаридан 35-40 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Тўғри, бу йил занг касали майсаларнинг ривожланиши ва ҳосил тугишига кўп зиён етказди. Бироқ зуддик билан кўрилган чора-тадбирлар ҳосилнинг асосий қисмини сақлаб қолиш имкониятини яратди.

Энг муҳими, ғаллани тез ва соз ўриб олдик. Ҳамма хўжаликларда иш икки сменада ташкил қилинди. Комбайнчи ҳамда ўримда қатнашганларга иссиқ овқат, чой тайёрлаш мунтазам йўлга қўйилди. Дам олишга қулай имкониятлар яратилди. Парда Бобохонов, Бахтиёр Аҳмедов, Чори Омонов, Бойсоат Ёдгоров, Қулдош Умаров, Элмурод Раҳмонқулов, Маҳам Бекбутаев, Ҳусан Оллаёров, Чори Жумаев ва бошқа комбайнчилар агрегатларнинг мавсумдаги улушини кўпайтирдилар.

Баҳор пайтида 9135 гектар ерга барака уруғи қадаб, уни бир текис ундириб олдик. Ишловни тезда бошлаб юбордик. Ҳозирги кунда ғўзалар ёппасига шоналаб, гуллаяпти. Лекин ғўзанинг амал олиши ҳар йилдагидан кечикаётир. Энди маҳаллий ва минерал ўғитлар олиш, ишловни кучайтириш асқотади. Мўлжалдаги ҳосилни тўплаш учун биз кўп йил ишлаб катта тажриба тўплаган етук мутахассисларнинг маслаҳатидан кенг фойдаланмоқдамиз. Умуман, бу йил пахтачиликка катта аҳамият беряпмиз. Ғалладан бўшаган 2,5 минг гектар ерга тезпишар навли чигит қададик.

Қумқўрғон тумани тупроғи саҳоватли. Биз ернинг ўз эгаларига берилиши тарафдоримиз. Пахтачилик, боғдорчилик, хуллас, деҳқончиликнинг барча турлари ижара усулида олиб борилмоқда. Хўжаликлар ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда ширкатларга айлантирилди. Оилавий пудрат бўлганлиги учун хўжаликлар чек усулига кўчди, молиявий ҳисобот маркази ташкил қилинди.

Тер тўкканга ер тўкар. Сарфлаган ҳар бир сўмнинг катта фойда келтириши эндиликда ҳаммага тушунарли. Қувончлиси шундаки, деҳқончиликнинг барча тармоғидан ўтган йил мўл даромад кўрдик. Бултур туман бўйича ана шу соҳадан 1 миллиард 278 миллион сўм келди. Унинг 85 миллион сўми соф фойдани ташкил этади.

Туманимизнинг иқтисодий ривожланиши бутун республикамиз муваффақиятларини кўпайтиришга хизмат қилади. Бу ор-номусимиз, ифтихоримиз бўлган юртимиз гуллаб-яшнашига ва халқимизнинг фаровон яшашига улуш қўшиш, демакдир. Бизнинг бундан бўлак олий мақсадимиз ва бахтимиз йўқ...

Эркин САИДМУРОДОВ,
туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

Суратли лавҳа

Деҳқончиликда ҳосилни йиғиб-териб олиш мавсуми энг масъулиятли палла ҳисобланади. Бу даврда қозон-товоқ ҳам, кундалик турмуш ҳам вақтинчалик дала бошига кўчирилади. Чунки вақт зиқ. Шу боис ўтиб бораётган ҳар бир фурсат ғанимат ҳисобланади. Уни бой берган бободеҳқон ютқазиб қўйиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун дақиқалар қадрига етиш керак.

Жиззах вилоятидаги Эшонқул Исмоилов номли ширкат хўжалигининг 2-бўлими ғаллакорлари бу ҳақиқатни теран англашади. Улар ғаллага ўроқ тушган биринчи кунданоқ тўла сафарбарлик билан далага отланишди. Мавсумни муваффақиятли ўтказиш мақсадида шу ернинг ўзида вақтинчалик шарт-шароит яратиб олишди. Ушбу суратлар (юқорида) ижарачи Маматқул Пардаев даласида тасвирга туширилган. Унинг ёнида хўжалик бош ҳосилоти Абдусаттор Холматов ва бўлим бошқарувчиси Асрор Муҳаммадқуловлар ўзаро фикрлашишмоқда. Хонаки ўчокда тайёрланган тушлик таоми ҳориган чоғда вужудга қувват беради. Боиси 70 баҳорни қаршилаган Ҳақмира бобо Иброҳимов қўли ширин ошпазлардан. У ҳар қандай таомга лаззат бағишлаб юборади. Тушлик тугагач, ғаллазорларда яна ўримйиғим авжига чиқади. Деҳқончиликда қутбарака мана шундай машаққатли, аммо завқли онлари билан тотли-да. Нима дедингиз?

Шавкат АКРАМОВ олган сурат-лавҳалар.

«ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

қийинчиликларига чидасанг, кўнглингни кенг қилсанг, сабр-бардошли бўлсанг, натижаси ҳам хайрли, баракали бўлади. Фидокорлик мавҳум ёки ўта илоҳий тушунча эмас. У ҳар бир инсофли, диёнатли одамнинг қўлидан келадиган иш. Ҳар ҳолда, мен шундай тушунаман.

Айни пайтда, киши дейлик Фидокорлар партиясига аъзо бўлиб кириши билан ватанпарвар ёки миллатпарвар ҳам бўлиб қолмайди. Ёки аксинча, бундай фирқа борлигидан бехабар одам ҳам ўз бурчини ҳалол бажарар экан, Ватани ва халқи учун ибратли ишлар қилиб юрган бўлиши мумкин.

Юлдуз Усмонова Фидокорлар партиясининг аъзоси бўлган экан, бундан ажабланмаслик керак. Чунки, буни мен элимга хизмат қилиш йўлидаги бир восита деб биламан. Элюрт ташвишида юрган кишилар — олиму зиёлилар, санъаткорлар тадбиркорлар ўзаро бош қовуштириб, маълум бир фойдали ғоялар билан чиқса, уларни бахамжиҳат амалга оширмоқчи бўлса, нимаси ёмон?

Ёмони — мажлисбозлик, номига тадбир ўтказиш. Шукрки, бизнинг партиямиз хозирча бундай ортиқча талотўпларидан йироқда.

Ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, яқин кунларда Фарғона водийсига бориб, концертлар бермоқчиман. Лекин, одатдагидек, шаҳарлардаги санъат саройларию стадионларда эмас. Далада, шийпонларда, деҳқонларнинг ҳузурида. Ҳа, мен бу гал қишлоққа боришни ният қилдим. Чунки, қишлоқ одамлари юзлаб чакирим йўл босиб, Тошкентга ёки вилоят марказига келиши қийин. Бунга уларнинг вақти ҳам, имкони ҳам йўқ: Ёз — ўрим-йиғим палласи, далада иш қизиган пайт. Очиғини айтсам, қишлоқларимиздаги оддий, кўнгли тоза, меҳнаткаш одамларнинг дуоси менга куч ва илҳом беради. Ўйлайманки, ўз навбатида менинг кўшиқларим ҳам уларнинг кўнглини кўтаради.

Мен учун халқимнинг дуосини, олқишини олишдан улуғ бахт йўқ.

— Бугун «Ватан», «Истиқлол» сўзларини бир-биридан айрича тушуниб бўлмайди. Сиз учун бу сўзлар нимани англатади?

— «Ватан» дейилганида мен, аввало, оилани тушунаман. «Ватан оиладан, уйингнинг остонасидан бошланади», деган ибора мен учун қуруқ гап эмас. Эътибор берганмисиз, хотинидан ажралиб, сўккабош бўлиб қолган эркакни баъзан халқ ичида «фалончи беватан экан», деб ҳам атайди. Чунки оилада тинч-тотувлик, меҳр-оқибат, фаровонлик бўлса, мамлакатда ҳам ривожланиш бўлади. Шу сабабли, оиладаги соғлом муҳит, фарзандлар тарбияси юрт тақдири учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун йўлбошчимиз Ислом Каримов ўтган йилни «Оила йили» деб, 1999 йилни эса оиланинг асосий таянчи — «Аёллар йили» деб эълон қилдилар. Шунинг учун мустақил Ватанимизнинг илк нишони яхши ният билан «Соғлом авлод учун» ордени деб аталган. Шунинг учун давлатимиз даромадининг — бюджет маблағларининг қарийиб ярми аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун сарфланмоқда. Қолаверса, «Таълим тўғрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ижроси учун миллиард-миллиард сўм маблағ ажратилаётгани, янгидан-янги замонавий мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари қурилаётгани, минглаб йигит — қизларимизнинг хорижга таълим олиш учун жўнатилаётгани ҳам ана шундай улуғ мақсадларга ҳизмат қилади. Айтинг-чи, Ўзбекистонда илгари ҳеч бир замонда шундай бўлганми ё бўлмаган. Сабабки, чоризм замонида ҳам, шўролар даврида ҳам ўзбек фарзанди ўниб-ўсиб кетишидан, дунё кўришидан, ўзини танишишдан — «кўзининг» очилишидан «марказ» ҳеч қачон манфаатдор бўлмаган.

Илгари хорижий тилларни билган кишини кўрсак, ҳозиргина осмондан тушган фазогирни учратгандек, лолу ҳайрон томоша қилардик. Унга ҳавас ва ҳайрон боқардик. Энди-чи? Ўтган етти-саккиз йил ичида биргина ана шу жабҳада эришган ютуқларимизни кўриб, қувонганимдан теримга сиғмай кетаман. Наманганлик оддийгина бир ўзбек ўғлони — лицей ўқувчиси АҚШга, халқаро мусобақага борса, дунё болалари орасида ўзининг энг илмли, энг салоҳиятли талаба эканлигини намойиш қилиб, бош совринни олса, ўзининг зукколиги билан Америка Президенти Билл Клинтонни ҳам ҳайратга солса, айтинг, қувонмай бўладими? Хўш, айтинг, буларнинг барчасини Ватандан, Ватан озодлигидан — истиқлолидан айри тасаввур қилиш мумкинми?

Шу ўринда, мен бир гапни алоҳида таъкидлашни истардим: Ватанимизнинг мустақиллиги бизга қандай янги имкониятлар берганлиги, бу имкониятлардан қандай фойдаланишимиз кераклигини ҳали барчамиз ҳам тўла англаб етганимиз йўқ, афсуски.

Ҳар бир нарсанинг афзаллиги қиёсланганда намоён бўлади.

Яқинда янги мактаб дарсликларидан бирини варақлаб қолдим. Варақладиму ҳаяжондан кўзларимга ёш келди. Айтинг, истиқлолгача Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий кимлигини бирор мактаб ўқувчиси биларми? Боболари Амир Темур, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Замаҳшарий ким бўлган? Улар қандай улуғ ишлар қилган? Биларми биларди, дунё аҳли биларди, фақат ўзбек болалари эмас яна бир мисол: мен 1991 йилгача муборак ҳаж арконларини адо этган ўзбек ҳожисини кўрмаганман. Шундай одамни кўрганимни эслай олмайман ҳам. Энди-чи, энди Ўзбекистонда ўз ҳожиси бўлмаган шаҳар, қишлоқ, маҳалла, кўча қолдимикан? Ислом Каримовнинг Президент сифатида имзо, чеккан илк фармонларидан бири Наврўзни умумхалқ байрами деб эълон қилиш, Ўзбекистон фуқароларини Муборак ҳаж сафарига жўнатишни ташкил этиш каби халқимиз неча асрлар қон ютиб кутган хайрли тадбирларга бағишланганлигини бугун — истиқлолимизнинг саккиз йиллик байрами арафасида эсламай бўладими? Ҳа, биз халқимиз бошидан ўтган аянчли кунларни унутмаслигимиз, бугунги ҳайрли ишлардан шукроналик билдиришимиз, қувонишимиз керак. Шунда Ватаннинг, Ватан мустақиллигининг қадрига етамиз. Эртамиздан кўнглимиз тўқ бўлади.

— Ўзингиз ҳам тез-тез чет элларга чиқиб концертлар намойиш этиб турасиз.

— Ҳа, ҳозир кўпроқ чет элларда концертларим бўляпти. Клипларим, альбомларим, дисклари чиқяпти. Биласизми, у ердаги қонцерт олди ташвиқотида «Ўзбекистоннинг ҳақиқий юлдузи — Юлдуз Усмонованинг концертига марҳамат қилинг» деб реклама қилишади. Шунда ўзбеклигимдан, ўзбекистонлик эканлигимдан, бағри кенг халқимизнинг, қадимий маданиятимизнинг вакиласи эканлигимдан фахрланиб кетаман. Саҳнага чиқаман-у ашуламни бошлайман: «Ўзингдан қўймасин, халқим».

Чунки шу халқ, шу Ватан, шу миллат, шу маданият борки, мен борман. Улар бўлмаса, Юлдуз Усмонованинг кимга кераги бор.

Хорижда бўлганимда кўпинча журналистлар: «Барча шароит муҳайё Оврўпада бутунлай қолиб, яшасангиз бўлади-ку, нега бундай қилмаяпсиз»,деб сўрашади. Мен айтаманки, Ватаним — Ўзбекистондаги шароитнинг ҳам ҳозир сизлардагидан кам жойи йўқ. Қанча ижод қиламан, қандай яшайман десам, имконият, шарт-шароит бор. Қолаверса, сизлар жуда меҳмондўстсизлар, лекин ҳеч қачон ўзбек бўлолмайсизлар, дейман. Негаки, бизда ярим тунда биров бирон нотаниш эшикни тақиллатса, уй эгаси меҳмоннинг кимлигини сўрамайди. «Хуш келдингиз» деб кутиб олади. Топган — тутганини унинг олдига қўйиб, меҳмон қилади. Сизлар эса бундай пайтда полиция чақирасизлар.

— Шу ўринда яна бир савол: истиқлол ижодкорга, санъаткорга нима берди? Санъаткорчи?

— Биргина мисол. Илгари хорижга чиқиш учун ойлаб ҳужжат тўплардикда, Москвага борардик. Ҳужжатларимиз «Марказ»да ҳам ойлаб ётарди. Москвалик амалдорга ёқса, рухсат берарди, йўқса, унибуни бахона қилиб, рад этарди. Ҳозир гастролга бормоқчи бўлсам, уч кунда виза оламану кетавераман.

Илгари бирор жойда концерт бермоқчи бўлсангиз, мудом бир саволга жавоб қайтаришингизга тўғри келарди: «Нега репертуарингизда партия ҳақида, қўшиқ йўқ?» Бунинг устига, қандай ашулани айтиш, қанақасини айтмаслик кераклигини белгилаб беришарди. Энди эса, шукрки, бу ишларнинг барчасида эркинмиз. Аммо истиқлолимиз санъаткорга берган имконият шуларгина эмас. Энг муҳими, санъат аҳли ўз Ватани, эрки, миллатининг саодатию орзу-армонлари ҳақида бемалол қуйлаш имкониятига эга бўлди. Санъаткорларимиз энди ана шу имкониятдан унумли фойдаланса, истиқлолга муносиб хизмат қилган бўлади, деб ўйлайман.

Шу ўринда мен санъатимиз, маданиятимиз, умуман, халқимизнинг, Ватанимизнинг бугуни ва келажаги учун чексиз ғамхўрлик қилаётган Президентимиз Ислом Каримов билан бир вақтда, бир замонда яшаётганимдан жудажуда фахрланишимни таъкидлаб ўтишни истардим. Йўқ, булар шунчаки айтилаётган гаплар эмас. Булар юрақдан чиқаётган миннатдорлик туйғуларидир. Бахтимиз бор эканки, бугун шундай доно инсон халқимизнинг бошида турибди. Бу инсоннинг қадрига етишимиз керак...

Сиз суҳбатимизнинг бошида Ватан ҳақида сўрадингиз. Биласизми, менинг бир орзуим бор: эрта бир кун бу ҳаётдан кетар бўлсам, Ватаним — Ўзбекистон тупроғига кўмилиш. Чунки мен шу табаррук заминда туғилиб ўсдим, санъатни танидим, халқимнинг эрка қизига айландим, дунё кўрдим,дунёдаги ҳар бир халқ улуғ, ҳар бир мамлакат ўзига хос. Аммо мен учун Ўзбекистонда, ўзбек халқидан табаррук замин, улуғ халқ йўқ. Дунёнинг қайси бир бурчагида бўлмай, юртимни, халқимни соғинавераман! Соғинганим сари уни дунёга танитиб, куйлагим келаверади.

Беҳзод УСМОН суҳбатлашди. (ЎзА).

АЪЛО НАВНИ ЎЗИМИЗ ЯРАТАМИЗ

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Йўлбошчимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилида иқтисодни ривожлантиришнинг янги тизимини шакллантириш йўллари аниқравшан белгилаб берилди.

Хўжалигимиз эски тизим иш юритишидан воз кечиб, хўжалик юритишнинг мулкдорлик шаклини танлади ва ерлар тўлиқ ижарачиларга бўлиб берилди. Деҳқон қалбида ерга эгалик ҳисси уйғонгач, самараси чакки бўлмаскан. Ўтган йили 605 гектар ғалла майдонидан ўртача 64 центнердан дон йиғиштириб олишга эришилганди. Энг муҳими, ўтмишдаги сингари юқлан хирмон кимлар учундир эмас, балки у мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини, дон иқтисодиётимиз учун қанчалик зарур эканлигини одамларимиз ҳис этаяптилар.

Жорий хўжалик йилида ҳам 687 гектарда ғалла етиштириб, кам бўлмадик. Давлатга 4692 тонна дон сотиб, ҳосилдорликни 68,5 центнерга етказдик. Шу ўринда бир нарсани айтмоқчиман. Президентимиз Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига сафари чоғларида қайси уруғни, қаерга ва қачон экишни ер шароити, тажрибалардан келиб чиқиб, деҳқоннинг ўзи ҳал этишига имконият бериш кераклигини таъкидладилар.

Деҳқонлар, фермерлар билан Йўлбошчимизнинг очиқчасига қилган мулоқотлари ва билдирган фикрлари миришкорга яна бир имтиёз берилганидан далолат. Шунинг билан бирга биз — андижонликлар зиммасига катта масъулият юкланди. Негаки, аъло уруғни биз яратиб беришимиз лозим. Бошқа давлатлардан олиб келинаётган уруғ аввал бизда синаб кўрилиб, районлаштирилгандан сўнг, туман ва вилоятларга тарқатилади.

Вилоят ва туманларда бўлганимизда ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган ишларимиз кўп эканлиги кўриниб қолаяпти. Шу боис, ҳозирги кунда мана шу масалага алоҳида эътибор қаратганмиз.

Синовдаги «Купава» нави баракали, ерларимизга мос эканлигини шу йилги ҳосил самараси кўрсатди. Муҳаммад Мадаминов, Ҳусанбой Мамажонов, Эркин Тошпўлатов сингари оилавий пудратчиларимиз 70, ҳатто ундан ҳам ошириб хирмон кўтардилар. Насиб этса, бу навни шароитга янада мослаштирамиз.

Муталиб ДАВИДОВ,
Жалолқудуқ туманидаги «Ойим» ширкатлар уюшмаси раиси.

«ХОҲИШ БЎЛСА ГАЗЕТА ЎҚИШГА ВАҚТ ТОПИЛАДИ»

Чуст туманидаги «Олмос» фермер хўжалиги жамоаси бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча туридан юқори ҳосил кўтаришга аҳд қилишган. Деҳқончилик ишлари айниқса Йўлчибой Рафиқов бошлиқ хўжаликда уюшқоклик билан олиб борилмоқда.

Хўжалик меҳнаткашлари мавжуд 55 гектар майдондан катта миқдорда ғалла ҳосилини йиғиб олишди. Айни кунларда бошқа экинларни суғориш, ишлов бериш борасида ҳам кўпчиликка намуна бўлишмоқда.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Йўлчибой Рафиқов.

(Давоми. Боши 1-бетда)

республиканинг ягона қишлоқ газетаси экан, унинг саҳифаларида бугунги қишлоқларимизнинг туб муаммоларини очиб берадиган мақолаларга янада кўпроқ ўрин берилиши лозим. Ахир, юртбошимиз «Бош мақсад — одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришларига эришиш» деб бежиз қайта-қайта айтмаяптилар-ку! Шундай эмасми?

— Албатта шундай! — дейман мен.

Шу пайт эшик очилиб, Комилжон билан хўжалик раиси Муҳаммаджон Маҳмудов кириб келишди. Айтишларича, тўғри ғаллазордан келишяпти экан.

— Биласиз, тоғ зонасида жойлашганимиз учун ўримни кечроқ бошлаганмиз, — дейди Муҳаммаджон,

—Шошмасак бўлмайди. — Ҳосилнинг чўғи дурустми ишқилиб — сурайман.

—Яхши, — дейди Муҳаммаджон, — 1050 гектар ғаллазоримиз бор. Пудратчиларимиз бу йил бошқача меҳнат қилишди. Кўпроқ маҳаллий ўғитдан фойдаландик, «шарбат» оқиздик. Бегона ўтга қарши қаттиқ курашдик. Натижаси мана энди кўриняпти. Ерларимиз асосан қир-адирликдан иборат бўлишига қарамай гектаридан 40-45 центнердан ҳосил чиқяпти. Тўрт минг тоннадан ошиқроқ дон ишлаб чиқариб шунинг 2700 тоннасини давлатга сотишимиз керак. Комбайнларимиз тўла қувватда ишлаяпти. Худо хоҳласа, ҳадемай маррага етамиз.

— Баракасини бersин. Бу... раис бува, ҳисобот ходимларингиз билан газета ҳақида, қишлоқ муаммолари ҳақида гурунглашиб ўтирибмиз. Улар «Қишлоқ ҳаёти»нинг чин мухлислари эканлар. Ўзингиз ҳам бу газетани ўқиб турасизми?

— Ўқиймиз, — дейди раис, — «Қишлоқ ҳаёти» тобора ўқимишли бўлиб боряпти. Буни қарангки, кечагина Комилжон билан маслаҳатлашгандик. Илғор бригадаларимиз, комбайнчиларимизни шу газетага хўжалик ҳисобидан мукофот тарзида обуна қилсакчи, деб...

— Жуда яхши бўлади-да!

— Доли Сатторовчилар бошлаган бу ташаббусни туман бўйича оммалаштирамиз, — дейди ҳоким муовини, — шу ғалла мавсумининг ўзида «Қишлоқ ҳаёти»га камида уч юз дона обуна ташкил қиламиз.

— Камина асли сизни топиб тумандаги саноат корхоналари фаолияти билан танишмоқчи эдим, — дейман Комилжонга.

— Жуда яхши-да, қани кетдик, — дейди у.

Йўлга отланамиз.

Ортиқали НОМОЗОВ.

Сифатли буғдойдан ширин нон ёпилади

«Оҳангарондон» ҳиссадорлик жамияти нафақат туманда, балки Тошкент вилоятидаги энг салмоқли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда корхона ишчилари ғалланы қабул қилиш билан банд. Бу ерда ҳар галгидай яна ғалла қабул қилиш икки сменада ташкил этилган.

— Комбинатимизнинг заҳирага дон олиш қуввати 32 минг тоннага мўлжалланган бўлиб, четдан ғалла сотиб олмай ишлашимизга имкон беради, — дейди жамият раиси Зайниддин Мусаев. — Тумандаги хўжаликлар қаторида Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Зангиота ва Пискент туманларидаги хўжаликлар, деҳқон ва фермерлар ҳам ғалла топширадилар. — Гап шундаки, ҳозир янги омборхона ва элеватор қуриш ишлари режалаштирилмоқда. Бу ишга келгуси йилдан киришилади.

Ҳиссадорлик жамияти фақат шу йилнинг ўзида қабул қилиб олинган ғалладан 20 минг тонна ун, тўрт минг тонна ёрма, тўрт минг тоннага яқин ем аралашмаси ишлаб чиқаришни режалаштирган. Комбинатнинг ун тайёрлаш цехи янги ҳосилдан юз тоннадан кўпроқ ун ишлаб чиқариб истеъмолчиларга етказиб берди.

— Юқори Чирчиқ туманининг Аҳмад Яссавий жамоа хўжалигидан ғалла олиб келаяпман, — дейди машина ҳайдовчиси Дўстмурод Қоратоев. — Машинамга олти тоннадан зиёд ғалла ортилган, Ҳар куни тўрт мартагача, қатнайман. Мендан бошқа яна тўрт машина ғалла ташимоқда. Шунингдек, Ўрта Чирчиқ туманидан олтита, Зангиота туманидан ўн учта машинада ғалла келтирилади ҳар куни. Бу ерда яратилган имконият ва шарт-шароитлар ҳар куни комбинат омборларига минг тоннага яқин ғалла тушишига имкон бераяпти.

Комбинат лабораторияси мудири Маҳмуд Туронбоевнинг таъкидлашича, айрим хўжаликлардан келтирилаётган ғалла лаборатория таҳлиллари пайтида талабга жавоб бермаяпти. Масалан, Ўрта Чирчиқ туманининг айрим хўжаликларидан келтирилаётган ғалланинг аксари қисми ҳўл, стандарт талабига жавоб бермайди. Натижада бунинг зарари ҳам деҳқоннинг чўнтагига тушади. Бинобарин, ғалла топшираётган хўжаликлар маҳсулотнинг ниҳоятда тоза, сифатли ва стандарт талабида бўлишига эришмоқлари зарур.

Оҳангарондаги «Ўзбекистон», «Шодималик», ва бошқа бир қатор хўжаликлардан келтирилаётган ғалла ҳам талаб даражасида эмас. Ғалла намлиги юқори, ифлос. Булар албатта, ғаллани исроф қилиш, унинг нес-нобуд бўлишига йўл қўйиш билан баробар.

Мўмин ҚАЮМ.

ДАСТУРХОН ФАЙЗИ

«Регистоннон» жамияти ўзининг сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан аллақачон одамлар тилига тушган. Бу ерда тайёрланаётган булка нонинг уч-тўрт хили ва бошқа эллик хилга яқин нон ва нон маҳсулотлари барчага манзур бўлаётир.

— Бунга сабаб, бизда тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотлари учун келтирилаётган унлар махсус лабораториядан ўтказилади, — дейди жамият раисининг муовини Н. Раҳматов. — Бир ойда эллик тонна сифатли ун ишлатамиз. Унлар ўзимизнинг маҳаллий тегирмонларда тортилган. Сифати хорижникидан ҳеч ҳам қолишмайди. Жамиятимизга шахсий нон ёпувчиларнинг энг яхшиларини саралаб олиб, ҳар бирининг қўлига махсус ҳужжат берганмиз. Айни вақтда уларни нисбатан арзон нархларда ун маҳсулоти билан таъминлаймиз. Бу новвойлар ёпган нонларини бозорларда сотиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун махсус рухсатнома ҳамда давлат сертификати берилган. Улар қадимий Самарқандни жаҳонга машҳур оби нонларини ёпиш усулларини сақлаган ҳолда, ота-боболари анъаналарини давом эттириб келаяптилар.

Вақти-вақти билан бу новвойлар ўртасида кўрик-танловлар ўтказилиб, голиблар тақдирланиб борилади. Хушбўй нонларни шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида, айниқса Сиёб, Мармар ва Дамариқ бозорларида истаганча харид қилишимиз мумкин.

— Яқинда жамиятимизга Германиядан янги ускуна олиб келдик, — дейди Н. Раҳматов суҳбатимиз асосида. Н. Раҳматов хорижий технология асосида ишга тушириладиган ана шу қурилма суткасига юз хилдаги сифатли ва лаззатли нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаб бериш қувватига эга.

З. ДИЁРОВ

ЯХШИ ХАБАРЛАР

ЙЎЛЛАР КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Челак туманининг Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси тиклангач бу ерга зиёратга келувчилар сони илгаригига нисбатан ўнлаб баравар ошиб кетди. Шу сабабли бу ерда энг аввало йўлларни қайта қуриш ва таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда Самарқанд шаҳри ва Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасини боғловчи йўл Жаҳон стандартлар даражасига етказилди. Ҳозир эса ушбу мажмуани бевосита Тошкент — Самарқанд катта шоҳ кўчаси билан боғловчи Хартанг — Жомбой йўли ҳам кенгайтирилмоқда. Қайта таъмирланаётган ҳудудда йўлнинг эни 36 метрга етказилади.

Бу юмушларни вилоят «Автойўл» бирлашмаси ва «Афросиёб» йўллардан фойдаланиш бошқармаси ишчи-хизматчилари бажаришмоқда.

310 МИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛДИ

Тайлоқ туманидаги 2-сон Республика Олимпия ўринбосарлари билан билим юрти ёш спортчилари нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё, қолаверса жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда ҳам иштирок этишиб, совринли ўринларни эгаллаб келишаётир.

Бугунги кунда ўрта махсус ўқув юрти мақомига эга ушбу даргоҳда республикамизнинг турли вилоятларидан келган 153 нафар йигит ва қизлар таҳсил кўришмоқда. Кейинги ўн беш йил ичида билим юрти талабалари орасидан 5 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 119 та спорт устаси, 463 нафар спорт усталигига номзодлар етишиб чиқди.

Шуниси эътиборлики, Республика ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли билим юрти учун замонавий лойиҳа асосида 450 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси тикланмоқда. Бугунги кунда ушбу қурилишга 310 миллион сум миқдорида маблағ ажратилди.

ЮНЕСКО КАФЕДРАСИ

Самарқанддаги архитектура ва қурилиш институти базасида ЮНЕСКОнинг халқаро кафедраси ташкил этилмоқда. Унинг фаолияти Ўзбекистон тарихий шаҳарлари, шаҳарсозлиги муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишга қаратилади. Кафедра ўз фаолиятини ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланган режага асосан 2000 йилдан бошлайди. Шу муносабат билан яқинда бу ерда бўлган семинарда ушбу халқаро ташкилот вакиллари янги ташкил этилаётган кафедрага ажратилган замонавий ўқув жараёнида қўлланиладиган асбоб-ускуналарни топширдилар. Бу турдаги кафедра ЮНЕСКО томонидан турли мамлакатлар олий ўқув юртларида очилган ўқув ва тадқиқот марказларининг 35-чисидир.

М. МУҚИМОВ.

«ПРАВДА» ВА БОШҚА «ҲАҚИҚАТ»ЛАР

КЕЛИНГ, БАҲСЛАШАМИЗ: АКС-САДО

Асримиз бошларида йигирманчи юз йилликни авиация асри, деб атаган эдилар. Қирқинчи йилларга келиб, атом бомбаси яратилиши билан у атом асри дея аталди. Сўнгра космос асри бўлди, яқиндан бошлаб эса, ахборот асри демоқдамиз. Дарҳақиқат, бугун дунёда минглаб, Ўзбекистонда эса 622 номда газета-журналлар нашр қилинмоқда. Шулар орасида қишлоқда туғилиб-ўсган газетхон сифатида «Қишлоқ ҳаёти»нинг мен учун қадри бўлакча.

Газетанинг 1999 йил 9 июнь сонида «Келинг, баҳслашамиз!» деган янги рукн очилиб, унда журналист Н. Ниёзовнинг «Ғўзаллик нимада?» сарлавҳали мақоласи эълон қилинибди. Аввало рукн «Келинг, баҳслашамиз!» деб номланар экан, баҳслашаётган томонлардан бир масала юзасидан икки хил фикрга эга бўлиши талаб этилади. Яъни, икки қарама-қарши фикр бўлсагина баҳс бўлиши мумкин. «Ғўзаллик нимада?» сарлавҳали мақолада бугуннинг долзарб масаласи ўртага ташланиб, улар ҳақида жўяли мулоҳазалар билдирилган. Ва улар менинг қарашларим билан ҳамоҳангдир. Фақат бир нарсага бироз аниқлик киритиш керак назаримда. Ф. Достоевский «Ғўзаллик оламни қутқаради» дер экан, нимани назарда тутган эди, қалб ғўзаллигини эмасми? Буни эса муаллиф тушунчасига зид равишда аҳли Шарқ ҳам инкор этмайди.

Муаллифнинг ярим ялангоч ғарб аёллари ва «мини юбка кийган ўзбек келинлари» ҳақидаги фикрларига қўшиламан. Мақолада Н. Ниёзов масала юзасидан кескин хулосалар чиқаришга уринади, менимча. Аммо бу бир томонликдан бошқа нарса эмас. Негаки, чеҳра ғўзал бўлса-ю маънавият ҳамин қадар бўлса кўнгил тўлмаганидек, қалб ҳар қанча ғўзал бўлмасин юз хунук бўлса ҳар қандай кишининг кўнглида хижиллик бўлиши шубҳасиз. Қалб ҳам, чеҳра ҳам, бажарган ишинг ҳам ғўзал бўлганига не етсин!

Модомики, «Келинг, баҳслашамиз!» рукни ҳақида ёзаётган эканман, шу баҳсни давом эттириш мақсадида ўқувчилар эътиборига яна бир баҳсталаб фикрни ҳавола этмоқчиман. Бошда айтганимдек, яна бугун мамлакатимизда 476 номда газеталар нашр этилмоқда. Бу Ўздавматбуотқўмнинг нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Тўйчиевдан шу йил июнь ойида олинган ахборот. Мени ўйлантираётган муаммо шуки, улардан кўпчилигининг номи бир-бирига ўхшаш: «Правда Востока», «Сариосиё ҳақиқати» ва бошқа кўплаб «ҳақиқат»лар... Булар нимани ёдингизга солади, ўша машҳур ва манфур «Правда»ни эмасми? «Правда Востока»даги шрифт, яъни ҳарфларнинг ёзилиши ҳам Ленин «Правда»си билан бир хил эканлигиёқ шундай деб ўйлашга асос бўлади. Балки мулоҳазаларим нотўғридир. Сиз нима дейсиз, азиз газетхон? Келинг, шу мавзуда баҳслашайлик.

Ҳусан НИШОНОВ, журналист.

Самарқанд туманида истиқомат қилаётган уста Ҳамроқул Ҳайдаровни нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам кўпчилик билади. У киши мусиқа асбоблари тайёрлашда ўзига хос шуҳрат қозонган. Яқинда устага қайтадан қурилаётган Сиёб бозори атрофидан устахона ва мусиқа асбоблари дўкони очиш учун махсус жой ажратиб берилди. Ҳамроқул Ҳайдаров бундай имкониятдан мамнун, албатта.

Суратда: Ҳ. Ҳайдаров навбатдаги мусиқа асбобига ишлов бермоқда.

Т. НОРҚУЛОВ олган сурат.

ТАБИАТ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ОЛИШУВ

Николай КРАСИЛЬНИКОВ

Қўёшнинг қирмизи гардиши, туни билан совиб улгурмаган қум тепаликлари ортидан аста кўтарила бошлайди. Туни билан қумга бўлғаниб, қайноқ ва муздай ҳаво тафти олишиб чиқади. Аммо бу олишувларнинг кети кўринмайди. Тонг отиб яна қуёш еру кўкни қиздиради. Шом чўкиши билан эса ҳаво совиб, олам яралганидан бери давом этиб келаётган кураш яна бошланади. Чўл ва саҳролар ер юзида мавжуд экан, кеча билан кундуз, иссиқ билан совуқ ўртасидаги кечаётган бу ибтидоий кураш тўхтамайди.

Тонг отганида, ҳали совуб улгурмаган саҳро, эндигина олишувлар тўхтаган жанггоҳни эслатади. Бир-бирини кесиб ўтган ҳашаротларнинг сон-саноқсиз излари қум гиламига тикилган нақшинкор хошияларга ўхшайди. Қаёққа қараманг излар... излар... Мана бу саҳро тимсоҳи — эчкиэмарники. Буниси эса тошбақаники. Мана кўрсичқон изи. Узун-узунлари илонники. Бу излар хўп ғаройиб, шиддатли олишувлардан нишонадир... Уларнинг иштирокчилари ҳам беҳисоб.

Қўёш энг баланд қум тепалиги ортидан кўтарилади-да, чор атрофга илиқ нурларини таратади. Катта саксовулга уя қурган бургут полопонини ёлғиз қолдириб емиш топиш илинжида кўкка кўтарилади. Унинг пойида бепоён чўли биёбон ястаниб ётади: ҳукм-ҳуккасидаги ов майдони чексиз-чегарасиз. Тўлқиндек ёйилган қум барханларининг ниҳояси денгизга бориб тақалади. Осмонда бургут парвоз қилади. Ерда ҳаёт қайнайди. Бургутлар ўз уйларининг қаерда эканлигини яхши биладилар: керак бўлса дунёнинг нариги бурчагидан ҳам топиб келадилар. Мовий уфқ мусаффо ва сокин. Кўнгилга сиққанча парвоз қилиш мумкин. Лекин навбатдаги тонг кўнгилдагидек бўлгани йўқ, ов бароридан келмади. Осмондан туриб кунжагидан чиқаётган сичқонни кўра биладиган бургутнинг назарига арзигулик бирор ўлжа ташланмади. Юлғунлар орасидан кўрсичқон чопиб ўтди. Арзимаган нарса учун вақт ва куч сарфлашнинг ҳожати борми. Боласи билан ўзининг қорнига сичқон юқ ҳам бўлмайди. Бунинг устига илиқ тонг шаббодаси, овнинг ҳали бароридан келишига нишона бўлиб турибди. Қўёшнинг катталигини айтмайсизми. Тобора юқорига кўтарилянти у. Бу яхши, албатта. Осмону фалакда учаётган қуш, қўёшнинг шуъласида кўзга кўринмайди ҳисоби. Бургут эса юқоридан пастдаги ҳамма нарсани бемалол кузатиб туради. Қовжираган ўт-ўланлар, юлғунлар... саксовуллар...

Пастдаги гимирлаётган қўйлар сурувими? Худди ўзи. Ўҳ-ўҳ, озмунча қўйми?... Қаёққа кетишаётган экан-а? Қани энди қўзичоқларидан бирини илиб кетса. Ҳов анави четроқда келаётганини... Аммо уни олишнинг иложи бўлармикан? Пода ёнидаги туя минган чўпон қўйлардан кўзини узмайди-ку. Устида чопон, бошида катта телпак. Офтоб тиғидан асрайдиган телпак. Елкасида милтиғи ҳам бор-а. Одам боласига рўпара бўлмагани маъқул-ов. Она бургут ўтган йилги, подага қилган ҳужумини эслади. Куз келди дегунча чап қаноти зирқираб оғрийди. Милтиқ оғзидан чиққан олов қуйдирган елкасини.

Ҳаво оқими уни яна ҳам узоқроққа учириб кетди. Мана яккам-дуккам ўсган саксовуллар.

Тўхтачи! Буталар орасида нимадир чопиб юрипти. Наҳотки қуён бўлса. Қанотларни йиғиштириш вақти етди... Қуён осмондан ўқдай отилиб тушиб келаётган бургутни сезмай қолди. Ўзининг куни битганини билганида вақт ўтган эди. Овози борича чийиллаганча осмону фалакка кўтарилди. Бургутнинг полопони қақраб кетган томоғи билан иссиқ ҳавони каппалаб ютарди. Қанотларини ёзишга уринар, ўзини ҳар тарафга уриб, бошини сараксарак қиларди, чийиллаб «сув», «сув» дегандай бўларди. Онасидан ҳамон дарак йўқ.

Қуёш эса борган сари барханлар узра юксалиб борарди.

Бургутчанинг қулоғига, писиб келаётган ғаламиснинг вишиллаган овози эшитилгандай бўлди. Бошини буриб товуш келган томонга қаради. Ундан бир неча қарич берироқда илоннинг боши чайқалиб турарди. Полопон жон ҳолатда қанотларини ишга солди. Илон хиёлгина чекинган бўлиб яна ҳамла қила бошлади. Унинг ҳар бир ҳужумини бургутча сакраб, тумшуғи ва қанотлари билан қайтаришга улгурарди. Шу тариқа ҳаёт-мамот жанги бошланди.

Она бургут, кўрмаса ҳам инида нимадир бўлаётганини сезди. Панжасидаги чалажон қўённи қўйиб юборди ва шох-шаббалардан ясалган ини томон шўнгиди. Гавдаси билан боласини ҳимоя қилиб, бир чўқишда илонни қочирди. Аммо бу билан она бургутнинг кўнгли жойига тушмади. Вақтни бой бермай буралиб эшилаётган илонни чангаллаб ҳавога кўтарилди. Лекин у ўз имкониятларини тўлиқ ҳисобга олиб улгурмаганди. Қанчалик баландга кўтарилмасин, илон танасининг метиндек темир сиртмоғи бўйнини шунчалик маҳкамроқ қисаверди.

Ярим соатча илгари она бургут кўрган чўпон Турди ота эди. У улкан бургутнинг парвозини пастдан кузатаркан, бургутнинг ҳаракатларидаги ғалати ҳолатини илғади. Бургут баландлаб бора туриб, бирдан эски чопоннинг ямоғига ўхшаб қанотларини ярим ёзганча пастлай бошлади. Турди ота илонни пайқамагани учун бургут бирор ўлжани мўлжаллаган бўлса керак деб ўйлади. Аммо орадан беш-ўн дақиқа утиб ҳам қуш тушган еридан кўтарилмади.

— Шошма-чи?! — деб туясидан тушди Турди ота. (чўлда тасодифлар кам бўлади дейсизми). Атрофда ўтлаб юрган қўйларга қараб «ҳа, жониворлар» деб, баланд қум тепалигига ўрмалади. Кўз ўнгида тарам-тарам бўлиб ёрилиб кетган тап-тақир чўл ястаниб ётарди.

— Ана холос, — деди у ерда чўзилиб ётган бургутга кўзи тушиб. ундан нарироқда бир ярим қулоч келадиган илоннинг жонсиз танаси ерпарчин бўлиб ётарди.

Мана гап нимада экан. Туясини етаклаб бора туриб, Турди ота саксовуллар орасидан жонсиз қуённинг танасини топиб олди. Демак, бургутнинг уяси яқин ўртада бўлиши керак. Худди шундай. Ана у! Турди ота туясининг устига чиқди. Ўядаги жонсарак бургут полопонига кўзи тушиб унинг чехраси ёришиб кетди. Бургут боласини икки қўллаб олди-да, қопга солди.

— Ажойиб бургут чиқади! Баджаҳл бўлади.

Шундай қилиб, табиатнинг поёнсиз жангида, овчиларнинг сони яна биттага кўпаядиган бўлди.

Қуёшнинг қизиб ётган улкан гардиши қум барханлари устига аста эна бошлади.

Жўра МАҲМУДОВ ва Бахтиёр АҲМЕДОВ таржимаси.

КОЛЛЕЖЛАР ЖАДАЛ ҚУРИЛМОҚДА

2000 йилда Бухоро шаҳрида битта академик лицей, шунингдек шаҳар ва туманларда 12 та касб-ҳунар коллежлари бинолари фойдаланишга топширилади.

Айни вақтда вилоятда ўқув биноларини қайта таъмирлаш ҳисобига улар негизида бешта янги касб-ҳунар коллежи бунёд этилмоқда. Ҳозиргача ушбу объектларда ярим миллард сўмлик иш бажарилди. Жумладан, Ғиждувон тумани ва Бухоро шаҳрида барпо этилаётган коллежларда пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари белгиланган режа асосида олиб борилмоқда. Лекин Вобкент туманидаги касб-ҳунар коллежини таъмирлашда қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Қурувчилар таъмирлаш ҳисобига қад ростлаётган 5 та янги касб-ҳунар коллежини янги ўқув йилига фойдаланишга топширадилар.

(ЎзА).

ҒАФУРЖОН КАСБИНИ...ЎЗГАРТИРМАЙДИ

АЖОЙИБ ОДАМЛАР

Рости гап советлар даврида ёшлар ўртасида ҳуқуқшуносларнинг, чунончи, прокурорлар, мелиса, судларнинг обрўйи шу даражада кўтарилиб кетдики, боғчадаёқ ҳамма «юрфак»ка кириш учун тайёргарлик кўрадиган бўлиб қолишди. Бу масалада ота-оналар фарзандларидан ҳам ўзиб кетди — соч-соқолидан орттириб ўн йиллаб «юрфак» учун маблағ жамғардилар. Лекин диққат қилинса ҳуқуқшуносларнинг ижтимоий мавқеи энг юқори даражага чиққан кейинги йигирма беш-ўттиз йил ичида қонунчилик, ижтимоий адолат масалалари мақтаниш мумкин бўлган даражада мустаҳкамланган эмас.

Майли, бу эски гап. Ҳозирги ёшлардан ҳуқуқшунослар кўпроқ чиқса ҳуқуқий давлат қуришимиз тезлашар. Аммо ҳар қандай ривожланган давлатга бошқа кўплаб оддий, айни пайтда ноёб ва масъулиятли касб эгалари ҳам керак...

Ҳали ёши ўттизга ҳам етмаган, серҳаракат бир йигитни «Яхши сартарош» деб менга таништиришди ва энг муҳими Ғафуржон деган бу йигит икки оғиз гапдан сўнг менга ҳам «маъқул» тушгандан кейин, сартарош бўлишни ғудаклигингизданоқ орзу қилганмидингиз десам, йўқ мен юрист бўлмоқчи эдим, деб юборса бўладими! Рауф Парфига ўхшаб «Ё, фалак!» дедим...ичимда.

— Унда...қандай қилиб сартарош бўлиб қолдингиз?

— Беш-олти ёшимдаёқ отамга эргашиб сартарошхонага келардим. Усталар ҳар хил иш буюрарди. Ҳаммасини қилардим. Шундай қилиб кўзим қотиб кетди. Бўйим чўзилгандан сўнг отамнинг қўлидан қайчини баъзан оладиган бўлдим. Лекин отам, барибир ўқишинг керак, дер эдилар. Сўнг у киши қазо қилдилар. Ўлар чоғи менга «Менинг касбимни ташламанглар!» дедилар. Бу гапга ҳам беш йил бўлди. Ишлаб юрипмиз.

— Мактабда қандай ўқир эдингиз?

— Яхши ўқиганман. Сўнг 7-ҳунар-техника билим юртини тугатдим. Бу ёғи ёш ҳам ўттизни қоралаб қолди. Уч нафар фарзандим, онам менинг қўлимда.

— Иқтисод қандай?

— Топганим қозон қайнатишга етади. Фотима-Ҳусан деган эгизимиз бор: ҳадемай оёғи чиқади!

— О-о, бадавлат инсон экансиз. Саломатлиги яхшими?

— Худога шукур.

— Нега ҳунармандлар бойиб кетмайди?

— Мен ўзимни камбағал деб ҳисобламайман: устим бут, қорин тўқ — бундан зиёд бойлик борми? Тўғри, бугун топганимни рўзғорнинг харажатидан орттириб, эрта учун олиб қўя олмайман, лекин дастурхоннинг ободлиги бойлик эмасми.

— Қайси куни одамлар кўп келади?

— Сешанба куни сал камроқ бўлади. Шу куни «чўчқа ҳам тук ташламайди» деган гап бор-ку — балки шундандир.

— Доимий мижозларингиз борми?

— Кўп. Ҳатто кечалари уйга ҳам боришади. Бўлмаса, тонг чоғи беш яримда дўконни очамиз, қоронғу тушгунча ўтирамиз. Барибир кимдир улгуролмайди, ё зарурат бўлади...

— Оғринмайсизми?

— Кун бўйи оёқда тик туриш барибир одамни чарчатади. Аммо ҳадди сиғмаган одам ҳовлингизга киролмайди-ку.

— Газета-телевизорга тобингиз қалай?

— Телевизор кўришга ҳолим етмайди: кечқурун зў-ўрга бир пиёла чой ичишга ярайман. Чунки, ҳар куни ўн соатлаб тик туриш одамнинг тинкасини қуритади. Аммо, ҳар қандай шароитда ҳам газета ўқийман.

— Насиб бўлса ўғлингиз улғайгач сартарош бўламан деб туриб олса нима қиласиз?

— Майли, ўғлим, дейман. Лекин барибир ўқитаман.

— Ўқишнинг нимаси яхши?

— Яхши-да...

— Ўзингиз ҳалиям бирон жойга кириб ўқиш ниятингиз борми?

— Йўқ. Энди мен шу йўлдан ке-етдим...

— Демак, касбингизни ўзгартирмайсиз?

— Йўқ!

— Раҳмат Сизга!

Тожиддин РАЗЗОҚ Денов шаҳри.

СПОРТ

ОСИЁ КУБОГИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма командаси айни паллада Таиландда навбатдаги Осиё кубоги мусобақаларига тайёрланмоқда. Ҳамюртларимиз бу жойда бир нечта халқаро ўртоқлик учрашувларини ўтказишни режалаштиришган.

АҚШ САФАРИ ОЛДИДАН

Яқинда Америка Қўшма Штатларида бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Ўзбекистон терма командаси ушбу чемпионат тайёргарлигини аллақачон бошлаб юборишган. Мураббийлар ҳозирча терма командамизни қуйидагича тузишган: Дилшод Ёрбеков — 48, Равкат Эралиев — 51, Алишер Раҳимов — 54, Тулқин Турғунов — 57, Темур Сулаймонов — 60, Муҳаммадқодир Абдуллаев — 63, Сироджиддин Наимов — 67, Дилшод Ёрбеков — 71, Сергей Михайлов — 81, Руслан Чагаев — 91, Лазизбек Зокиров — 90 дан юқори.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ЗЎР ТЕННИСЧИЛАР КИМ?

Ушбу саволга яқинларда жавоб топилди. Умумий суровларнинг натижаларига кўра АҚШлик Андрей Агаси дунё теннисчиларининг 21 июль куни эълон қилинган рейтинг курсаткичида биринчи ўринни эгаллади.

Австралиялик Патрик Рафтер иккинчи, АҚШлик Пит Сампрас эса учинчи ўринни эгаллашди.

Россия вакили Евгений Кафельников бу гал тўртинчи ўринни забт этди, холос.

Ўқишга марҳамат

Ўзбекистон Бадиий академияси К. Беҳзод номидаги МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ 1999–2000 ўқув йили учун МАГИСТРАТУРА БЎЛИМЛАРИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМ:

1. Тасвирий санъат тарихи ва назарияси.
2. Амалий графика ва дизайн.

СИРТҚИ БЎЛИМ:

1. Тасвирий санъат тарихи ва назарияси.

ИНСТИТУТГА КИРИШ УЧУН АРИЗАЛАР 1999 ЙИЛ 1 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кирувчилар мутахассисликлар бўйича ижодий имтиҳон топширадилар.

ИНСТИТУТГА КИРИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҚЎШИБ ТОПШИРИЛАДИ:

а) олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси;

б)№ 086 — У шаклдаги тиббий маълумотнома;

в) паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги хусусидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади;

г) 3х4 ҳажмдаги 8 дона фотосурат;

д) меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки маҳалла кўмитасидан маълумотнома (меҳнат стажига эга фуқаролар учун).

Манзил: 700031. Тошкент шаҳри, Юнус Ражабий кўчаси, 77-уй.

Тел.: 152-34-58, 152-34-56.

М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ 1999 — 2000 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР:

ФОРТЕПИАНО, ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ, ДАМЛИ ВА ЗАРБЛИ ЧОЛҒУЛАР, ТОРЛИ ЧОЛҒУЛАР, ХОР ДИРИЖЁРЛИГИ, БАСТАКОРЛИК, МУСИҚАШУНОСЛИК, АКАДЕМИК ХОНАНДАЛИК БЎЙИЧА

МАГИСТРАТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҲУЖЖАТЛАР 30 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ АВГУСТ ОЙИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

ИҚТИДОРЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

БАРЧА МУСИҚА ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ПУЛЛИК КУРСЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ. ЎҚИШ МУДДАТИ 2 ЙИЛГАЧА, СИНОВ ИМТИҲОНЛАРИ СЕНТЯБРЬ ОЙИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ш. 700000, ПУШКИН, кўчаси 31.

ТЕЛЕФОН: 133-20-69.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — *Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г—0538, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди .00

1 2 3 3 4 6.